Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг газетаси

2 май, сешанба, 1995 йил
Сотувда эркин нархда. № 83 (1085)

## ЭКОЛОГИЯ МУАММОЛАРИ ЭЪТИБОРДА

***Ўзбекистонда рўйхатдан ўтган хорижий элчихона раҳбарлари ҳамда «Экосан» халқаро жамғармаси миссияси Орол ва Оролбўйи ҳудуди билан танишиш мақсадида Нукусга келди.***

Меҳмонларни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раиси ўринбосари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси Уббиниёз Аширбеков қабул қилди. Суҳбат чоғида Орол денгизининг чекиниши оқибатида юзага келган экологик вазият, унинг оқибатлари ва бу муаммони ҳал этиш йўлида олиб борилаётган ишлар ҳақида сўз юритилди. Муаммоларни ечишда мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг жонбозлиги эътироф этилди.

«Экосан» халқаро жамғармаси Президенти Юсуф Шодиметов жамғарманинг Оролбўйи ҳудудида экологик вазиятни соғломлаштириш учун олиб бораётган амалий ишлари, келгуси режалари, шу йил сентябрда Нукус шаҳрида Орол муаммоларига бағишлаб ўтказиладиган халқаро анжуман тўғрисида гапирди.

Хитой Халқ Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Гуань Хэньгуан, Швецария Конфедерациясининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Пауль Випфли Орол — нафақат минтақа муаммоси, балки дунё дардига айланганини қайд этиб, экологик офатни бартараф этиш учун жаҳон ҳамжамияти амалий ёрдам кўрсатиши лозимлигини таъкидладилар.

**(ЎзА).**

*Андижон шаҳридаги Анзиё заводи ишлаб чиқараётган кенг халқ истеъмоли моллари харидорларга манзур бўлаяпти.*
*СУРАТДА: корхона ишчиси Д. Турғунова.*

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ*

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ МИЛЛИЙ ХАВФСИЗЛИК КЕНГАШИ ТЎҒРИСИДА

Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси биринчи сессиясининг қарорларига мувофиқ, миллий хавфсизлик масалалари бўйича давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва мувофиқлаштириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида Миллий Хавфсизлик Кенгаши — хавфсизликни таъминлаш соҳасида давлатнинг ички ва ташқи сиёсати масалалари бўйича маслаҳат органи ташкил қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикасининг Миллий Хавфсизлик Кенгаши тўғрисидаги низом ва унинг аъзолари таркиби тасдиқлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги тегишли вазирликлар ва идоралар билан биргаликда кейинчалик Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси муҳокамасига тақдим этиш учун «Миллий хавфсизлик тўғрисида»ги Қонун лойиҳасини ишлаб чиқсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
1995 йил 1 май

*• Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иккинчи сессияси олдидан*

## АҲИЛЛИКДА ҲИКМАТ КЎП

***1. Сиз «профессионал парламент» тушунчасини қандай тасаввур қиласиз?***
***2. Сессия кун тартибидаги қайси масалаларни долзарб деб ҳисоблайсиз?***
***3. Олий Мажлис депутатларининг кўпроқ нималарга эътибор беришини истардингиз?***

**Турсунбой ҲАМРОЕВ, Наманган вилоят сув хўжалиги қурилиши трести бошқарувчиси:**

1. Тўғриси, яқин-яқингача бизга «профессионал парламент» тушунчаси нотаниш эди. Мустақиллик шарофати туфайли ана шундай янгича қадриятлар ҳам турмуш тарзимиздан мустаҳкам ўрин ола бошлади. Шуниси аёнки, демократик тамойиллар асосида вужудга келган республикамизнинг янги Олий Мажлиси депутатлари мамлакатимиз қонун чиқарувчи органини келажакда дунё андозаларига мос, мукаммал қўринишдаги профессионал парламент тарзида шакллантиришни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйишган. Бошланган ҳар қандай улуғ ишга ҳам унинг муқаддимасини кўриб баҳо бериш мумкин. Шу маънода айтиш мумкинки, Ўзбекистон Олий Мажлисининг илк қадамлари хайрли бўлмоқда. Буни хусусан, яқинда бўлиб ўтган унинг биринчи сессияси руҳи мисолида ҳам кўриш мумкин. Демак, Олий Мажлис тимсолида яқин истиқболда ўзимизга хос профессионал парламент юзага келиши, шубҳасиз.

2. Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иккинчи сессияси кун тартибидаги барча масалалар бир-биридан муҳим ва долзарб, деб ўйлайман. Жумладан, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қўмиталари ва комиссиялари тўғрисида»ги Низом лойиҳаси ҳақида», «Ўзбекистон Республикаси Олий Судининг аъзоларини сайлаш тўғрисида»ги ёки сессия кун тартибига киритилган бошқа масалаларни олиб кўрайлик. Уларнинг ҳар бири ҳозирги кунимиз учун муҳим аҳамиятга эга. Шунингдек, бу галги сессияда шу пайтгача республикамиз ҳаётида рўй берган муҳим сиёсий тадбирлар натижалари ўз тасдиғини топади. Бир сўз билан айтганда, сессия кун тартибидан ўрин олган масалалар депутатларимиз томонидан атрофлича муҳокама этилиб, бир фикрга келингач, Олий Мажлис фаолияти янада ойдинлашади.

3. Маълумки, янги парламентимиз депутатлари турли сиёсий партияларга мансуб. Республикамиз ҳаётида илк бор демократия асосида ана шундай депутатлар гуруҳи ташкил топди. Қувонч билан таъкидлаш лозимки, айни пайтда республикамизда барча сиёсий партиялар юртимиз равнақи йўлида якдил ҳаракат қилишмоқда. Шу чоққача бўлиб ўтган барча сиёсий тадбирларда улар бир-бирларига нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлдилар. Менимча, бу жуда муҳим аҳамиятга эга.

Олий Мажлис депутатлари қайси сиёсий гуруҳга мансуб бўлишмасин, ўзаро ҳурмат-иззатни сақлаб қолишларини истардим.

Зеро улар миллатимизнинг бой тарихи ва анъаналарини ривожлантира бориб, республикамиз тараққиёти йўлида хизмат қиладиган яна кўплаб қонун ҳужжатларни яратишлари, лозим. Зеро, донолар, аҳилликда ҳикмат кўп, деб бежиз айтишмаган.

Аҳиллик, ҳамжиҳатлик бор жойда ҳар қандай муаммо ҳам ўз ечимини топади.

Мен барча депутатларимизга Ватанимиз келажаги буюк бўлишида ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшишларида омад тилайман.

## АНДИЖОН МЕҲНАТОБОДГА ЁРДАМ ҚЎЛИНИ ЧЎЗМОҚДА

### Вилоятнинг Шаҳрихон ва Бўз туманларидан қўриқ Меҳнатобод туманига 200 оила кўчиб келди

***ЮРТБОШИМИЗ водийлик деҳқонлар ва тадбиркорларга мамлакатимизнинг ишчи кучи танқис ҳудудлари — Сирдарё ва Жиззах вилоятлари туманларига бориб ишлашни таклиф қилган эди. Бу таклифни андижонликлар бажонидил қабул қилишди.***

МЕҲНАТОБОДДА ишчи кучи камлиги ҳар қадамда сезилади. Туманнинг 32 минг гектар экин майдони бор. Ўтган йили ҳар бир деҳқон ҳисобига 7 гектар, айрим хўжаликларда эса бундан ҳам кўп ер тўғри келганди. Ҳисоб-китобга қараганда бир кишига ўртача 4 гектар пайкал тўғри келиши учун яна 2218 нафар ишчи кучи керак экан. Боз устига ерларнинг мелиоратив ҳолати ҳам ёмонлашган. Бир неча минг гектарда тупроқнинг ўта шўрланиши кузатилмоқда. Боиси—биринчидан, ўзлаштириш жараёнида шўрни қочириш иншоотлари қўл учида барпо қилинган бўлса, иккинчидан, айрим хўжаликларда бундай тизим умуман йўқ. Устига-устак йиллар давомида ёпиқ зовурлар тозаланмаган, очиқлари эса вақтида ковлаб турилмаган. Баъзи жойларда очиқ зовурлар лойқа босиб, ҳатто, экин майдонлари билан тенглашиб қолган. Қисқаси, андижонликлар ишни аввало ана шу муаммоларни баҳоли қудрат ҳал қилишдан бошлашди.

— Андижондан ўзимиз билан 4 та экскаватор, 6 та ёпиқ зовурларни ювадиган механизм олиб келдик, — дейди туман ҳокими Ҳабибулло Янгибоев. — Ҳозир 15 та экскаватор ишлатилмоқда. Умуман, қилинадиган юмушлар анча салмоқли. Жами 500 километр очиқ ва 2800 километр ёпиқ зовурларни тозалаш керак, 715 километрлик лоток ариқларни таъмирлаш лозим.

Шу ўринда айтиш лозимки, биргина Меҳнатобод туманида эмас, Сирдарё вилоятининг яна минглаб гектар майдонларида қайта кучли шўрланиш кузатилмоқда. Назаримизда бу муаммо марказлаштирилган ҳолда давлат ёрдами билан ҳал этилса, айни муддао бўлур эди.

Ҳабибулло Янгибоевнинг айтишича, Меҳнатободга кўчиб келаётганларнинг аксарияти ёшлар. Улар 2-3 йилни кўзлаб эмас, бу ерда муқим яшаб қолиш ниятидалар. Чўлқуварлар орасида фақат деҳқонлар эмас, ҳунармандлар, косиблар ҳам бор. Айрим қўрғонларда Шаҳрихоннинг машҳур ҳунармандчилик анъаналари юз кўрсата бошлади. Яна бир гап. Иттифоқ даврида партия чақириғи деб кўчирма қилинарди. Меҳнатободга эса одамлар ихтиёрий равишда келишаётир. Тўғриси, уларни бу ерда қулай шарт-шароит кутаётгани йўқ. Ҳозирда 30 оилагина алоҳида уй-жойга эга бўлди. Лекин бу вақтинчалик муаммо. Муҳими — янги келганлар чўл заминига меҳр қўйишмоқда, эски чўлқуварлар билан эл бўлиб кетишмоқда. Қолаверса, Андижон вилояти раҳбарлари ҳам чўлга отланганларни эсдан чиқаришгани йўқ. Вилоят ҳокими Қобилжон Обидов ва Сирдарё вилояти ҳокими Ғуломқодир Ҳасанов Меҳнатободда бўлишиб, Андижондан келган чўлқуварларга тегишли ёрдам берилишини айтишди. Ва бу ваъда амалда кўрилмоқда: вилоятнинг турли туманларидан пиёз ва картошка уруғлиги жўнатилди. Техника учун эҳтиёт қисмлар берилди.

Тумандаги «Янгиер» ва Охунбобоев номли ширкатлар уюшмаларига андижонлик тажрибали деҳқонлар раис бўлишди. Улар бўзлик машҳур чўлқувар Маннон Жалоловнинг шогирдлари — Меҳнат Қаҳрамони Абдуфаттоҳ Солиев ва Алибек Адҳамовдир. Абдуфаттоҳ ака Охунбобоев номли ширкатлар уюшмаси раиси. Туман ҳокими билан Солиевнинг ҳузурига борар эканмиз, у киши йўлда ҳайдовчига машинани тўхтатишни буюрди.

— Мана шу ерларга янги раис терак экдирди, — дейди ҳоким йўл четидаги текисланган майдонга ўтказилган қатор кўчатларни кўрсатиб — Умуман туман ҳудудларида бундай бўш жойлар кўп экан. Насиб қилса, бундай теракзорларни яна кенгайтирамиз.

Бу ширкатлар уюшмасига Шаҳрихон, Бўз туманларидан 50 оила кўчиб келибди. Раисни даладан топдик.

— Бу томонда ер сероб экан, — дейди Абдуфаттоҳ Солиев. — Бўзда ҳар бир кишига 0,3 Шаҳрихонда эса 0,8 гектар ер тўғри келади. Агар Меҳнатободда ҳам одам кўпайса, келажакда водийдек обод жой бўлади.

Абдуфаттоҳ ака билан бир пиёла чой устида анча суҳбатлашдик. Ёши элликни қоралаган бу деҳқон гурунг асносида маъқул гапни айтди:

— Энди мустақил ватанимизда андижонликман ёки сирдарёликман деган гап бўлиши мумкин эмас. Ўзбекистон барчамизнинг ягона уйимиз, ватанимиз. Шундай экан, Меҳнатобод ҳам мамлакатимизнинг бир бўлаги. Биз шу тупроқда доимий қўним топмоқчимиз. Муҳими, қаерда бўлмайлик, мустақил Ўзбекистонимизнинг равнақига ҳисса қўшсак бас...

... Меҳнатободда Наврўз шодиёналари ҳар йилгидан ҳам файзли ўтди. Боиси элга эл қўшилди. Чўлда янги чироқлар ёнди. Шубҳа йўқки, бу чироқлар доим порлайверади.

**А. ШЕРНАЗАРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## ҲАЁТ МАДҲИЯСИ

Ўзбекистон Давлат Санъат музейида фашизмга қарши уруш фахрийси ва қаҳрамони, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган санъат арбоби Самиғ Абдуллаев асарлари кўргазмаси очилди.

Музейнинг тўртта залида рассомнинг 175 дан ортиқ асарлари намойиш қилинмоқда. Булар жонажон ўлка, меҳнат аҳли ҳақида меҳр ва илҳом билан, бўёқлар ёрдамида ҳикоя қилаётган мўйқалам устасининг сўнгги 5 йилдаги ижоди якунидир.

Кўргазманинг бир бўлими рассомнинг дўстлари ва фронт йўлларида, суронли жангларда қадрдон бўлиб қолган жанговор сафдошларига бағишланган. Уларнинг кўплари кўргазмага келишди, уруш йилларида 6 мингтадан ортиқ ажал минасини йўқ қилиб ташлаган сапёр Самиғ Абдуллаевнинг ҳарбий жасорати ва шонли жанговор меҳнати ҳақида тўпланганларга фахрланиб сўзлаб бердилар.

Кўргазмани очиш маросимида Японияниг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Укэро Магосаки ҳозир бўлди.

**(ЎзА).**

## БИРИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ИККИНЧИ СЕССИЯСИНИНГ ОЧИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иккинчи сессияси 1995 йил 5 май куни соат 10 да Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг мажлислар залида очилади.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ДЕПУТАТЛАРИ ДИҚҚАТИГА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари 4 май куни соат 9 дан соат 18 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси мажлислар залининг фойесида рўйхатга олинади.

*• Бирортаям танқид натижасиз қолмаслиги керак*

### «ҲУРМАТСИЗЛИК ЭМАСМИ?»

**(«Халқ сўзи», 1995 йил, 7 февраль)**

***Мазкур мақолада Пахтачи туманида яшовчи А. Худоёров оиласида имконият етарли бўлгани боис фермер хўжалиги ташкил этиш ниятида ариза берган ва 5 гектар ер майдони сўраган. Бироқ бу ташаббус туманда қўллаб қувватланмаётгани баён этилганди.***

Мазкур мақола юзасидан Самарқанд вилояти ҳокимининг ўринбосари А. Умаров имзоси билан муҳарририятимизга қуйидагича жавоб хати келди:

«Пахтачи туман «Хумор» ширкатлар уюшмасида яшовчи фуқаро А. Худоёров туман ҳокимлигига фермер хўжалиги тузмоқчилиги ва хўжалик учун 5 гектар ер ажратилишини сўраб ариза билан мурожаат қилган.

Лекин тегишли ҳужжатлар ўз вақтида тақдим этилмаганлиги учун ер ажратиш масаласи ҳал бўлмаган. Тегишли ҳужжатлар тақдим этилгач, туман ҳокимлигининг шу йил 14 февралидаги қарори билан А. Худоёровга 5 гектар ер майдони ажратиб берилди».

### «ҚИШЛОҒИМИЗДА ЎЗГАРИШ БЎЛАДИМИ?»

**(«Халқ сўзи», 1995 йил, 7 февраль)**

***Мақола муаллифи Й. Маллаев Жонбулоқ қишлоғи муаммолари, хусусан ёзда чанг қишда ботқоқлиги, кинотеатр у ёқда турсин, яшаш учун оддий шароит ҳам йўқлиги ҳақида ёзган эди.***

Мазкур мақолага Ғузор тумани ҳокими Я. Нуруллаевнинг имзоси билан қуйидагича жавоб хати олдик:

— Мақола юзасидан текшириш ўтказилди. Мақолада куюнчаклик билан келтирилган камчиликларни бартараф этиш борасида, туман ҳокимлиги бир қатор тадбирий чораларни амалга оширмоқда. Аҳолини моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ва турмуш шароитини янада яхшилаш чора-тадбирлари кўрилмоқда. Яккабоғ-Ғузор сув қувуридан хўжаликка ичимлик суви келтириш учун лойиҳа-ҳужжатлари тайёрланди. Ҳозирги пайтда хўжалик аҳолисини ичимлик суви ва баллонли газ билан таъминлаш мақсадида хўжалик ҳисобидан 3 та автомашина ва 9 та транспорт тракторлари ажратилди. Қишлоқ марказида қурилаётган ҳаммом ишга тушиш арафасида. Қишлоқнинг асосий йўли асфальтланган, ички йўлларга шағал, тош тўкилиб таъмирлаш ишлари режалаштирилди. Айни пайтда Жонбулоқ ширкати бошлиғи хизмат вазифасини бажара олмагани учун эгаллаб турган лавозимидан озод этилиб унинг ўрнига тадбиркор раҳбар сайланди.

Қишлоқда аҳолига намунали савдо ва тиббий хизмат кўрсатиш чора-тадбирларини амалга ошириш туман ҳокимининг назоратига олинди.

### «БИР КЕЛИБ КЕТИНГ»

**(«Халқ сўзи», 1995 йил, 7 февраль)**

***Юқоридаги сарлавҳа остида чоп этилган мақолада Денов шаҳридаги 220-уйда истиқомат қилувчилар ичимлик сувининг йўқлиги, канализация ишламаслиги ҳақида ёзишганди.***

«Мақолада кўрсатилган камчиликларни тугатиш учун ҳокимлик томонидан махсус гуруҳ тузилиб, бир мунча ишлар бажарилди, — дейиладди Денов шаҳар ҳокими А. Бўриев ўзининг жавоб хатида. — Сув қувурлари таъмирланиб, мазкур уй канализация қувури шаҳарнинг асосий канализация қувурларига уланди. Мақолада келтирилган барча камчиликлар деярли бартараф этилди».

* ЯНГИЛИКЛАР * ФАКТЛАР * ВОҚЕАЛАР *

## ЎЗБЕКИСТОН: ИСТИҚЛОЛ ОДИМЛАРИ

"Халқ сўзи" ва ЎзА мухбирлари хабар қиладилар

### ЎЗБЕК ЕРИДА «МАНАС» ТЎЙИ

***Булоқбоши туманининг «Манак-ордай» қишлоғида қирғиз халқи маданиятининг мероси «Манас» эпосининг минг йиллигига бағишланган ҳалқлар дўстлиги сайили бўлиб ўтди.***

Қирғиз халқининг «Манас» эпоси жаҳонга машҳур. Бу йил ЮНЕСКО 1995 йилни «Манас йили» деб эълон қилганлиги ҳам бежиз эмас. Қўшни Қирғизистон Республикасининг Ўш вилоятидан келган қардошлар делегацияси иштирок этган Андижондаги бу катта тадбир Марказий Осиё халқларининг дўстлик ва биродарлик байрамига айланиб кетди.

### ҒАМХЎРЛИК

**«Тошкенттекстилкомбинат» ҳиссадорлик жамияти ишчиларининг кўнгилдагидек маданий ҳордиқ чиқариши учун 2 миллион сўм ажратди.**

**130 ўринга мўлжалланган корхона санаторийсида йил охиригача 1820 ишчи саломатлигини мустаҳкамлаши мўлжалланяпти.**

**СУРАТДА: санаторий шифокори Н. Шарипова лазер билан даволаяпти.**

### ҲАМКОРЛИК

***Қашқадарё вилояти билан Украинанинг Донецк вилояти ўртасида савдо-иқтисодий ҳамкорлик ўрнатилганига ҳали унча кўп вақт бўлгани йўқ. Айни пайтда бу ҳамкорлик яхши натижалар бераётир.***

Халқ депутатлари Донецк вилояти кенгашининг раиси В. П. Шчербин раҳбарлигидаги бир гуруҳ украинаник меҳмонлар Қашқадарёда бўлиб, бу ерлик ҳамкорлар билан ана шу алоқаларни ривожлантириш юзасидан фикрлашиб олдилар.

### ТАЛАБАЛАР ҲУЗУРИДА

***Тўрткўл шаҳар тиббиёт билим юрти талабаларининг уруш фахрийлари билан учрашуви бўлди.***

Фахрийлар 1941—1945 йиллардаги урушда тўрткўллик жасур ўғлонлар қандай мардоновор жанг қилгани ҳақида гапириб берди. Улар тинчликнинг қадрига етиш, Президентимизнинг бу борадаги саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлаш зарурлигини алоҳида таъкидладилар.

### ИШНИНГ КЎЗИНИ БИЛГАН ФЕРМЕР

**Ёзёвон туманида 80 дан ортиқ фермер хўжаликлари фаолият кўрсатмоқда. Собиржон Қўзибоев ана шулар ичида илғорлардан ҳисобланади.**

**СУРАТДА: С. Қўзибоев ўғли билан.**

### БЕҲБУДИЙ ТАВАЛЛУДИГА БАҒИШЛАБ

***Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ҳамда «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази маърифатпарвар адиб ва жамоат арбоби Маҳмудхўжа Беҳбудий таваллудининг 120 йиллигига бағишлаб илмий-амалий конференция ўтказди.***

Анжуманда республикамизнинг таниқли олимлари ва шоир ёзувчилари Туркистон халқларининг мустақиллиги учун бошланган жадидчилик ҳаракати иштирокчиси Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг ижтимоий ҳаёт, маориф ва маданиятимизга қўшган муносиб улуши ҳақида йиғилганларга сўзлаб берди.

* ЯНГИЛИКЛАР * ФАКТЛАР * ВОҚЕАЛАР *

*Ўзбекистон Халқаро электр алоқа иттифоқига аъзо бўлганига яқинда уч йил тўлади. Давлатлараро ушбу ташкилотнинг халқаро майдонда нуфузи баланд. Айни пайтда жаҳондаги 180 мамлакат унинг аъзосидир.*

*Иттифоқнинг асосий мақсадлари электр алоқанинг барча турларини такомиллаштириш, халқаро ҳамкорлик воситасида соҳа ривожини таъминлаш, шунингдек, алоқа хизматлари сифатини оширишдан иборатдир.*

*Шу йил 17 майда Халқаро электр алоқа иттифоқи ташкил топганига 130 йил тўлади. Ана шу вақт мобайнида иттифоқ дастурдаги мақсадларини амалга ошириш учун ўз аъзоларига турли хил ёрдам кўрсатиб келмоқда. ЎзА мухбири Ўзбекистон Республикаси алоқа вазири Комилжон РАҲИМОВ билан республика телефон хизматининг бугунги аҳволи ва уни яхшилаш борасида олиб борилаётган ишлар тўғрисида суҳбатлашди.*

## Комилжон РАҲИМОВ:
# АЛОҚА СИФАТИ ЯХШИЛАНАДИ

**— Комилжон Раҳимович, Ўзбекистон Халқаро электралоқа иттифоқига аъзо бўлганига ҳам мана 3 йил тўлаяпти. Ушбу ташкилот билан ҳамкорликда мамлакатимизда телекоммуникация тармоғини ривожлантириш борасида қандай ишлар амалга оширилди?**

— Дарҳақиқат, Халқаро электралоқа иттифоқига аъзо бўлганимиздан кейин, Ўзбекистоннинг телекоммуникация соҳасида халқаро ҳамкорлик қилиши учун кенг йўл очилди. Иттифоқнинг Ўзбекистонга бераётган ёрдами ҳам бугунги кунда жуда муҳимдир. Ана шундай ёрдамлардан бири, иттифоқ синчилари кўмагида, Алоқа вазирлигининг мутахассислари республика алоқа тармоғини 2010 йилгача ривожлантириш ва қайта қуриш бош режасини ишлаб чиқди. Режани амалга ошириш стратегияси аниқланди. Ўзбекистоннинг алоқа тармоғини жаҳон андозаларига жавоб берадиган даражага кўтариш учун иттифоқ мунтазам равишда тавсиялар бериб турибди.

Иттифоқ синчилари республикамизга бир неча бор қилган ташрифлари давомида, Ўзбекистонда нур толали кабел ишлаб чиқариш имкониятларини ўрганиш учун Вазирлар Маҳкамаси, Фанлар академияси, «Ўзэлектронтехприбор» хиссадорлик жамиятида бўлдилар. Бунда синчилар чет эл инвестицияларини Ўзбекистоннинг телекоммуникация соҳасига жалб қилиш ва телефон станцияларини илғор технология билан жиҳозлаш масалалари юзасидан маслаҳатлар берди.

Алоқа вазирлиги иттифоқнинг кенг кўламли ёрдамида республика телекоммуникация тармоғини ривожлантириш ва такомиллаштириш стратегия, тактика ҳамда услубини белгилаб бераётган энг яхши таклифлар танлови бўйича халқаро тендер ўтказди.

Айни вақтда вазирлик иттифоқ мутахассислари билан биргаликда Ўзбекистон алоқа секторини ривожлантириш лойиҳасини амалга ошириш бўйича вазирликка ёрдам бериш учун маслаҳатчилар танламоқда.

Халқаро электр тармоқлари иттифоқи ўзи уюштирган халқаро тадбирларда иштирок этадиган Алоқа вазирлиги ва радио тўлқинлар комиссияси мутахассисларига стипендия ажратади. Тошкентдаги Марказий Осиё ҳудудий малака ошириш ўқув марказида, электралоқа иттифоқи ҳамкорлигида, мутахассисларимиз 21 ҳафталик ўқиш давомида «Планиту» курсларидан сабоқ олиб, ўз малакаларини оширадилар.

Келгусида иттифоқнинг Ўзбекистонга бераётган ёрдамлари бундан ҳам кўпайишига ва Ўзбекистон вакили иттифоқ таркибида фаол иш олиб боришига имоним комил.

**— Комилжон Раҳимович, энди муаммоларга ҳам тўхталсак. Телефондаги шовқин, узилиб қолишлар, суҳбат жараёнида товуш сифатининг бузилиши, бир АТСдан бошқа АТСга қийналиб тушиш ва ҳоказолар одамнинг таъбини хира қилади. Алоқа хизматининг сифати нега айнан бугунги кунга келиб аянчли аҳволга тушиб қолди?**

— Саволингиз жуда ўринли. Аҳоли ва ташкилотлардан шу мазмунда шикоят хатлари келиб турибди. Албатта, вазирликдагилар ҳам, алоқа соҳасининг бошқа раҳбар ходимлари ҳам ҳозирги шароитда истеъмолчиларнинг алоқа хизматига бўлган эҳтиёжини тўла қондира олмаётганларини тушунадилар. Бу муаммолар биринчи навбатда мавжуд алоқа воситаларининг ҳам жисмоний, ҳам маънавий эскиргани билан боғлиқ. Шаҳарларнинг кенгайиб, аҳолининг телефон хизматига бўлган талаби ошиб бораётгани, очилаётган минглаб корхоналар... Буларнинг ҳаммаси — янги телефон нуқталари дегани. Энг ёмони шундаки, бу янги нуқталар яна ўша эски АТСлар ва мавжуд телефон кабеллар зиммасига тушмоқда. Муаммо шу ердан бошланади. Илғор мамлакатларда телекоммуникация тармоқлари, аллақачон электрон рақамли АТСлар хизматига ўтган. Биздаги телефон станциялар эса, халқаро телефон станцияларимизни ҳисобга олмаганда, ҳалиям эски асбобу жиҳозлар билан ишлаб турибди. Яъни ҳаммаси механик ва координат станциялар. Бунақа станцияларнинг республика бўйича сони — 1200 та. Маҳаллий тармоқларнинг ҳозир бор йўғи 6-7 фоизи, шаҳарлараро тармоқларнинг эса 13-14 фоизи рақамли АТСлар билан жиҳозланган. Ўзбекистондаги барча телефон станцияларни электрон рақамлиларига алмаштириш учун 15 йил вақт ҳамда ўнлаб миллиард доллар маблағ керак. Лекин алоқа ходимлари ҳам қўл қовуштириб ўтиргани йўқ. Бор имкониятлардан фойдаланиб, станциялар фаолиятини бир маромда сақлаб туриш учун доимий назорат олиб борилаяпти.

Яқин кунларда ўтган йили бошланган катта бир тадбирнинг илк босқичи ўз натижасини беради. Пойтахтдаги АТСлараро алоқанинг 30 фоизи радио тўлқинлари воситасида амалга оширилади. Бу ишларни йўлга қўйиш учун япон ва немис фирмалари катта кўмак бераяпти.

**— Ўзбекистон чет эл фирма ва ташкилотлари, жумладан, «Сименс» акционерлик уюшмаси билан алоқа тармоқларини жаҳон талаблари даражасига кўтариш борасида қандай ишларни амалга ошираяпти?**

— Юқорида айтганимиздек, вазирликда ишлаб чиқилган бош режага асосан, чет эл инвестиция ларини Ўзбекистон алоқа тармоғини такомиллаштиришга жалб этиш бўйича талай ишлар қилинмоқда. 2 йил аввал Тошкентда Японияниг «НЭК» корпорацияси иштирокида халқаро фазовий телефон станцияси ишга туширилди. Японларнинг бошқа бир фирмаси — «Мицуи» эса пойтахтда станциялараро радиорелей алоқа тармоқлари қурилишида иштирок этмоқда.

Жанубий Кореянинг «ДЭУ телеком» фирмаси ҳам телекоммуникация соҳасида Ўзбекистон билан яхши шериклик қилмоқда. Бу фирма Фарғонада 50 минг абонентга мўлжалланган электрон рақамли АТСни қуриб, фойдаланишга топширди. Телефон станциялар жиҳозини етказиб бериш бўйича «ДЭУ» фирмаси билан Сирдарё вилояти ҳокимлиги ўртасида шартномалар имзоланди. Бундай тадбирлар бошқа вилоятларда ҳам амалга ошмоқда.

Америка фирма ва компаниялари билан биргаликда «Ўздунробита» уяли алоқа, «Камалак Тв-Пейжинг» қўшма корхоналарига асос солинди. Шунингдек, Испания, Италия ва Англиянинг етакчи фирмалари алоқа соҳасида Ўзбекистон билан ҳамкорлик қилишдан манфаатдор эканини билдирмоқда.

Халқаро ҳамкорликда олмон фирмаларининг алоҳида ўрни бор. Ўзбекистон ҳукумати ва «Сименс» фирмаси ўртасида республика алоқа тармоғини такомиллаштириш бўйича узоқ муддатли битим имзоланган. Ушбу битимга асосан, «Сименс» фирмаси мамлакатимизга Транс-Осиё Европа магистралининг Ўзбекистон ҳудудидан ўтадиган қисми учун нур толали кабель ва алоқа жиҳозлари келтиради. Бундан ташқари, «Сименс» маҳсулоти бўлган ЕВСД маркали электрон рақамли АТСлар асосида Тошкент, Самарқанд, Хива ва бошқа шаҳарлардаги халқаро ҳамда шаҳарлараро телефон станциялар қисман такомиллаштирилади. Бу ишлар «Сименс» билан ҳамкорлик дастурининг илк босқичида амалга ошади.

Олмониянинг яна бир вакили — «Алкател» фирмаси ҳам Ўзбекистон бозорида мустаҳкам ўрнашиб олишга интилаяпти. Айни вақтда, Тошкент ва Наманган шаҳарлари учун Германиядан 80 минг абонентга мўлжалланган рақамли АТС жиҳозларини келтириш якунланмоқда. Шу кеча кундузда мазкур фирманинг ёрдами билан Тошкентда янги 36-АТС ишга тушди.

Шу билан бирга, ўтган давр мобайнида 150 дан ортиқ мутахассис чет эл хизмат сафарларида бўлиб ўз малакасини оширди.

**— Ватанимиз мустақиллиққа эришгандан сўнг, ҳар бир соҳанинг тараққиёти бевосита ўз қўлимизга ўтди. Соҳа раҳбари сифатида беш йилдан кейинги Ўзбекистон телекоммуникация тармоғи истиқболини қандай тасаввур қиласиз?**

— Истиқлол Алоқа вазирлиги, «Ўзбектелеком» ва «Ўзбекистон почтаси» концернлари, жами алоқа ташкилотлари зиммасига катта масъулиятни юклади. Бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида беш тамойил талабларига жавоб берадиган миллий телекоммуникация тармоғини мустақил равишда бошқариш олдимизда турган биринчи галдаги вазифамиздир.

Бозор иқтисодиётини ривожланган телекоммуникация тармоғисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Сифатли алоқа хизмати барча соҳада ҳам ишнинг муваффаққиятини таъминлайди. Шуларни ҳисобга олган ҳолда, ҳукумат Ўзбекистон алоқа тармоғини 2010 йилгача таъмирлаш ва ривожлантириш миллий дастурини ўрганиб чиқаяпти. Ушбу дастурга биноан, беш йил давомида мавжуд механик станциялар рақамлиларга алмаштирилади. Рақамли телефон станциялар тармоғи яратилади. Тошкентдаги хонадонларнинг 80 фоизи телефон билан таъминланади. Республика бўйича бу кўрсаткич 40 фоизга етади. Энг муҳими телефон ўрнатишга бўлган навбатларга чек қўйилади. Кўрсатилаётган хизматлар сифати эса ортади.

Қишлоқларда телефон хизматини такомиллаштириш миллий дастурга киритилган муҳим вазифалардандир.

Алоқа соҳаси жаҳон талаблари даражасига етишига ишонаман. Чунки, бизда фақатгина истак эмас, балки ишлар дастури, уни бажариш йўналишлари ва катта интеллектуал куч бор. Режаларни маблағ билан таъминлаш манбалари ҳозирданоқ топилмоқда.

Белгиланган лойиҳаларни амалга оширишда шахсан Президентимиз Ислом Каримов, ҳукуматимиз, вилоят ва шаҳар ҳокимиятлари, тегишли идоралар алоқачиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватламоқдалар.

Олтиндан тоғ ваъда қилмаймиз, бироқ республикамиз алоқа тармоғини ривожлантиришнинг биринчи босқичи кўзда тутилганидек амалга ошади. Яқин давр ичида республикамиз аҳолиси кўрсатилаётган алоқа хизматлари сифатида буни сезади.

**Сангин ЖАББОРОВ суҳбатланди.**

*• Акс-садо*

# ЭЪТИҚОДИ БУТУН ХАЛҚНИ ҲЕЧ КИМ ЧАЛҒИТА ОЛМАЙДИ

***Мамлакатимизнинг оммавий-ахборот воситаларида Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий тузумини зўрлик билан ағдариб ташлаш ва ҳокимиятни қўлга олиш мақсадида фитна уюштиришда айбланган бир гуруҳ шахслар устидан қўзғатилган жиноий иш Ўзбекистон Республикаси Олий Судида кўриб чиқилиб, айбдорларга нисбатан қатъий ҳукм эълон қилинганлиги ҳақида ёзилди.***

Ушбу хабар ҳар қандай кишида нохуш кайфият туғдириши табиий. Жумладан, бу нарса биз бир гуруҳ меҳнат фахрийлари ва маҳалла оқсоқолларини ҳам қаттиқ ранжитди. Юртимизда тинчлик ва осойишталик барқарор, хур диёримиз халқлари мустақиллик соясида эркин нафас олаётган шундай дориламон замонда айрим кимсаларнинг қора қилмишлари ҳар бир эзгу ниятли кишининг нафратини қўзғайди.

Ўзини ўта зиёли санаб, демократия, инсонпарварлик ва ватанпарварлик хусусида сафсата сотиб келган шахс Салай Мадаминов (Муҳаммад Солих) ҳамда унинг бир гуруҳ гумашталарини ўз Ватани ва халқига нисбатан қилган бундай қабиҳликлари, ўта тубанликлари, хоинликларини барчамиз қаттиқ қоралаймиз. Ишончим комилки, ҳар қандай қора куч, ҳеч бир фитна иймон-эътиқоди бутун бўлган элимизни ўзи танлаган тўғри йўлдан оздира олмайди.

Яратиш ва яшнатиш ишқи билан фидокорона меҳнат қилиб, иқтисодий мустақиллик йўлидан дадил одимлаётган халқимиз мустақиллик пойдеворини янада мустаҳкамлашга ўз ҳиссасини қўшмоқда. Шу боис, Ватанимиз истиқлоли йилдан-йилга мустаҳкамланиб, Ўзбекистонимиз халқаро миқёсда ўзининг муносиб ўрнини эгаллаб, халқимизнинг турмуш тарзи, эл-юрт фаровонлиги равнақ топиб бормоқда. Айниқса, ҳукуматимиз, юртбошимиз азим Тошкентнинг қарийб 700 минг аҳоли истиқомат қилаётган Эски шаҳар қисми ободончилиги учун лозим бўлган барча шарт-шароитларни яратиб бераяпти. Жумладан, кейинги пайтларда. Эски шаҳардаги хонадонларга газ ва канализация ўтказилиши ҳамда тор ва эгри-бугри кўчалар кенгайтирилиб, замонавий қиёфа касб этаётганлиги ҳам халқимизга кўрсатилаётган ғамхўрликнинг намунасидир.

Ҳукуматимиз олиб бораётган ички ва ташқи, сиёсат ҳамда иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш борасидаги оқилона чора-тадбирларни барчамиз қизғин қўллаб қувватлаймиз. Она-Ватанимиз тинч, осмонимиз мусаффо бўлсин, юртимизни Яратганнинг ўзи ёмон кўзлардан асрасин, илойим!

**Ҳожиакбар ҚУРБОНОВ,**
**«Маданий» маҳалласи оқсоқоли,**
**Фаттоҳ ВАҲОБОВ,**
**«Шарқ ҳақиқати» маҳалласи оқсоқоли,**
**Тўра ЖЎРАБОЕВ,**
**Наби Жабборов маҳалласи оқсоқоли,**
**Зиёвуддин ОРИПОВ,**
**Ҳофиз қўҳаки маҳалласи оқсоқоли,**
**Абдурауф АБДУФАТОХОВ,**
**«Обод» маҳалласи оқсоқоли,**
**Низом АЛИМОВ,**
**туман «Маҳалла» хайрия жамғармаси раиси.**
**Тошкент шаҳар Собир Раҳимов тумани.**

# ЖАНГЧИЛАР ХОТИРАСИГА ЭҲТИРОМ

Мамлакатимизда Буюк Ғалабанинг 50 йиллигини катта тантана билан нишонлаш учун ҳозирлик кўрилаётган шу кунларда урушда ҳалок бўлган ва бедарак йўқолган қорақалпоғистонликларнинг номларини аниқлаш ҳамда абадийлаштириш борасида тўрт йил давомида олиб борилган иш ниҳоясига етказилди. Натижада, қарийб 344 мингдан ошиқроқ жангчиларга оид ҳужжатлар тўпланди ва бу маълумотлар асосида уч жилдлик «Ёдгорлик» китоби нашрга тайёрланди.

Яқинда мазкур китобнинг дастлабки икки жилди чоп этилди. Китобда жангчиларнинг исм шарифи, туғилган йили ва жойи, ҳарбий унвони, уларни хизматга чақиртирган комиссариятлар, шунингдек, жангчининг кейинги тақдири ҳақидаги маълумотлар берилган. «Ёдгорлик» китобининг сўнгги жилди ҳам нашрдан чиқди. Улар байрам арафасида фахрийлар кенгаши томонидан уруш қатнашчиларига, шунингдек, ҳалок бўлган жангчиларнинг оилаларига туҳфа қилинади.

**Ҳайитбой АБДУСОДИҚ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# УРУШ ҚУРБОНСИЗ БЎЛМАС

## Улуғ Ватан урушининг II гуруҳ ногирони Рўзимат ота Усмонов ҳикоя қилади

***Фронтга отланганимда 19 ёшли йигитча эдим. Ҳалқимизда «Қирқ йил қирғин бўлса, ажали етган ўлади», деган нақл бор. Яратганга минг бор шукурки, 1942 йилнинг ёзидан, уруш тугаб омон-омонлик барқарор бўлгунга қадар Ватан олдидаги бурчимни ўтаб, тўрт бор жароҳат олган бўлсам ҳам тирик қайтиб келдим. Бадандаги излар битиб кетди, аммо ярим асрдан кўпроқ вақт ўтаса-да қалбдаги яра излари битмайди.***

Кечагидек ёдимда. 1942 йил 2 май. Мудҳиш уруш ҳаммани ўз гирдобига тортган пайтлар. Намангандан чиққан қизил вагонлар тиркалган узундан-узоқ поезд эрталаб Тошкент темир йўли вокзалига келиб тўхтади. Жанговар ҳарбий тайёргарликдан ўтган ўзбек дивизияси таркибидаги жангчилар вокзал майдонида тартиб билан сафга туришди. Республикамиз раҳбарлари ҳамюртларимизга яхши ният, эзгу тилаклар айтишди. Майдон ўзя янграган чақириқлар қузатувга келган одамларнинг қий-чувлари билан қоришиб кетди. Поездимиз фронт томон кўзғалди...

Салкам бир ой йўл босдик. Қуйиб қул бўлган вагонлар, ишдан чиққан паравозлар, алғовдалғов қилиб бузиб ташланган темир йўллар кўзга ташланади. Ҳаммасидан ҳам жанг майдонига етмасданоқ оламдан кўз юмган сафдошларимиздан айрилиқ доғи юрак-бағримизни куйдиради.

1942 йилнинг 8 июнида Украинанинг Ростов-Дон шаҳри яқинидаги фронт чизиғига етиб бордик. Атроф баланд-паст текисликлардан иборат. Тутаб ётган бўғдойзор...

— Чекинишига йўл йўқ! Ҳаммангиз шу ерда мудофаада турингилар, — дея буйруқ берабошлади бир зобит. Унинг ёнида тўппончаси осиғлиқ, қўлида автомат, кўкрагида битта жанговар медали бор. Уруш кўрган, жасоратли командир эканлиги ранги-рўйидан, ҳатти-ҳаракатларидан сезилиб турарди. Кўз ўнгимизда фашистларнинг учта ола-чипор бўёқли танки, битта қурол-яроғ ортилган саккиз ғилдиракли автомашинаси, бешта мотоцикли ва кўпгина оғир ўточар тўплари яксон қилинди. Ўша командирни Наманганнинг Поп туманиданлиги, фамилияси Турсунов эканлигини қуролдош дўстим Ваҳоб ака деган одам гапириб берган эди.

Уруш қурбонсиз бўлмайди, Михайловка, Ворошиловград шаҳарлари ва улар атрофидаги қишлоқлар учун бўлган оғир жангларда сафларимиз сийраклашиб қолди. Начора, урушда ҳаёт билан ўлим ёнма-ён юрар экан...

1944 йилнинг ёзи. Қисмимизга Польшанинг Белоруссияга яқин Люблин шаҳрини ҳамда шу атрофдаги бешта қишлоқни душмандан озод қилиш вазифаси юкланди. Уч кеча-кундуз жон олиб, жон берувчи жангдан сўнг озод қилинган бир қишлоқдаги қалин дарахтлар орасидаги қудуқ яқинида бир дам тўхтадик. Қудуқ атрофини жангчилар ўраб олишди. Қониб сув ичишди. Шу пайт аввал усти ёпиқ автомашина, ундан сўнг икки отли арава келиб тўхтади. У ердаги ярадор жангчиларга ҳам сув тортиб бердик. Улар сув ичиб, энди баҳра олган эдилар ҳамки, шундоқина қудуқ ёнида бехосдан учиб келган икки-уч снаряд портлади. Бунинг устига тепамизда пайдо бўлган душман самолётлари санитар машина ва аравадагиларни, атрофдаги жангчиларни ўққа тутди. Фашистларнинг қўққисдан берган бу зарбаси қимматга тушди. Душман ўқидан илма-тешик бўлган санитар машинадаги, аравадаги ярадорлардан 5-6 киши, қисмимиз жангчиларидан 2-3 кишидан жудо бўлдик.

Ҳа, мудҳиш урушнинг изтиробларга тўла аламини, душман ўқидан бевақт узилган жонларни унутиб бўладими?! Улар ҳақиқий қаҳрамонлар эди. Катта зобит Ғани Турсунов, сержант Ваҳоб Исмоилов, Алиҳайдар Боқиев, асли сибирлик Михаил Кондратьев, украиналик Сидоренколар номлари бизнинг 422-қисм жангчилари орасида тез-тез тилга олинар эди, фронт газеталарида ёзиларди.

Сафдошлари қалбида ана шундай ўчмас из қолдирганлардан бири Михаил Кондратьев эди. Ёши улуғроқ бўлганлиги учун қисмдагилар уни Миша тоға деб аташарди. У миномёт батальонида бўлинма (расчёт) командири эди. Учта орден, жанговар медаллар билан тақдирланган Михаил Пруссиянинг Эльбинч шаҳрини озод қилиш учун бўлган жангларнинг бирида нобуд бўлган командир вазифасини зиммасига олиб, жангчиларни ҳужумга бошлади ва душманни уч чақирим ергача улоқтириб ташлашда бош бўлди. Афсуски, иккинчи куни чап қўлидан айрилди. Жангчиларнинг яқин маслаҳатгўйи, ғамхўр дўсти, жасур командирни эртасига даволаш учун фронт ортига жўнатишди. У жўнаш олдидан дала халтасидаги сўнгги махорка, нон ва озиқ-овқатларини ҳам қуролдошлари олдига қўйиб кетди...

Ҳа, ҳамжиҳатликда гап кўп. Оллоҳга минг карра шукурлар бўлсинки, республикамизнинг мустақиллигини кўриш бизларга насиб этди. Бу кунларга етиб келиш осон кечмаганлигини ақли расо, эси бутун ҳар бир одам кўриб-билиб турибди. Бас, шундай экан, ана шу мустақиллигимизни сақлаш, уни мустаҳкамлаш учун ўз ҳиссасини қўйиш шу муқаддас диёр тузини татиган, сувини ичиб ҳавосидан сипқорган ҳар бир инсоннинг бурчидир.

**Ёзиб олувчи:**
**Юсуф БЕКМУРОДОВ.**
**Янгийўл тумани.**

# ШАҲРИСАБЗ ШАҲРИ ЙИЛНОМАСИ ЯРАТИЛМОҚДА

***Шаҳрисабз шаҳар ҳокимлигининг ташаббуси билан шаҳар йилномаси яратилмоқда.***

Унинг саҳифаларида республикамизнинг мустақилликка эришган кундан бошлаб кунма-кун шаҳар ва шаҳарликлар ҳаётида содир бўладиган муҳим воқеа ва ҳодисалар қайд этиб борилаётир.

Йилнома учун махсус дафтар тутилди. Ушбу тўпламга ёзиладиган воқеалар матни шаҳар ҳокимлигида маъқулланган дафтарга кўчирилмоқда. Йилномани шаҳар ҳокимлигининг етакчи мутахассиси Мўмин Азизов, хуснихат устаси Дилором Диёровалар ёзиб боришаяпти.

**П. ГАДОЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

*• Долзарб мавзу*

# БАНК ТИЗИМИНИ МУКАММАЛЛАШТИРИШ, АВВАЛО, МУТАХАССИСЛАРГА БОҒЛИҚ

***Президентимиз халқ депутатлари Тошкент вилояти кенгаши сессиясида сўзлаган нутқида мамлакат банк тизимининг фаолиятини танқид қилиб, бу янгича иш юритиш услубларига ўтиш зарурлигини таъкидлаб ўтганди.***

Банклар ишидаги муаммолар аввало ходимларнинг бозор муносабатларига қай даражадалигига боғлиқдир. Банк ходимларини тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш эса «Минтақа банк ўқув маркази» — МБЎМнинг асосий вазифасидир.

1994 йилнинг февралида Тошкентда Марказий Осиё давлатлари: Ўзбекистон, Қирғизистон, Тожикистон Республикаларининг банк тизими ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва аттестациядан ўтказишга мўлжалланган ихтисослаштирилган институт — «Минтақа банк ўқув маркази»ни ташкил этиш ҳақида Таъсис ҳужжатлари имзоланган эди. Бу давлатлар билан бир қаторда Европа Ҳамжамияти комиссияси, Европа Тараққиёт ва тикланиш банки, Туркия ҳукумати ҳамда Туркия банклари ассоциацияси ушбу марказнинг таъсисчилари бўлгандилар. Улар бошланғич капитал билан бирга минтақа ўқитувчи кадрларини тайёрлаш учун сезиларли даражада маблағ ажратдилар. Машғулотлар ва махсус семинарлар ўтказиш учун Ғарб мамлакатлари ўқитувчиларини таклиф этиш билан боғлиқ харажатларни ўз зиммаларига олдилар. Ўтган давр ичида марказда минтақа марказий ва тижорат банкларининг 500 га яқин ходими таълим олди. Айни чоғда марказни ташкилий жиҳатдан шакллантириш ишлари олиб борилди. Бунда, айниқса, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Минтақа банк ўқув маркази ҳақида»ги қарори жуда муҳим аҳамият касб этди. Ушбу ҳужжатда Молия вазирлиги, Марказий банк ва Ташқи иқтисодий алоқалар миллий банки МБЎМ салоҳиятидан тўла равишда фойдаланишлари ҳамда шу асосда банк тизими ходимларини ўқитиш, қайта ўқитиш, ва аттестациядан ўтказишни мужассамлаштиришлари таъкидланади. Ҳукуматнинг бу қарори марказимиз фаолияти учун дастуриламал вазифасини ўтамоқда.

Ҳозирги кунда марказнинг профессор-ўқитувчилари таркибининг тузилиши ниҳоясига етди. Унга мамлакатнинг ва минтақанинг етакчи иқтисодий олий ўқув юртларидан профессорлар, доцентлар ва ассистентлар танлаб олинди. Ҳаммаси Туркия банклари ассоциациясининг ўқув марказида, Италиянинг «Италтренд» ўқув маркази, Москва Молия-банк мактаби ҳамда Германия ўқитувчилари томонидан уюштирилган семинарда таълим олган. Марказ ўқитувчилари билан европалик мутахассислар ҳам махсус семинарлар ва алоҳида консультациялар олиб борадилар.

Чет эллик ўқитувчилар ёрдамида эса бошқарувчи раҳбар ва тегишли ходимлар учун асосий курслар дастури ишлаб чиқилди. Банклар фаолиятининг айрим жиҳатларини чуқурроқ ўргатиш мақсадида молиявий таҳлил, қимматбаҳо қоғозлар билан операциялар, ходимларни бошқариш, банк менежменти ва маркетинг бўйича қўлланмалар тайёрланди.

Раҳбар ва операцион ходимларга мўлжалланган асосий курслар дастурида мамлакатда бозор муносабатларини шакллантириш ва ривожлантиришда банкларнинг ўрни ва ролига алоҳида эътибор берилган. Унга ривожланган мамлакатларда банкларнинг ижроия ҳукумат билан ўзаро муносабатлари, банк қонунлари, банк тизимининг тузилиши ва бошқа банк тузилмаларига боғлиқ саволлар ўрганилади. Бу муаммолар мамлакатимизда тижорат банклари шакллнаётган даврда катта қизиқиш уйғотиши, табиий. Чунки кўпчилик Ғарб мамлакатларида, соҳа ихтисослигидан қатъий назар, ҳам бажарилаётган операциялар доирасида, ҳам мижозлар билан ишлашда банкларнинг аралашуви жараёни кучайиб бормоқда. Бизнинг мамлакатимизда ҳам «Банклар ва уларнинг фаолияти тўғрисида»ги қонун асосида фақат 1994 йилнинг ўзида барча операцияларни бажариш ҳуқуқига эга бўлган «Савдогарбанк», «Ғаллабанк», «Меваобзавотбанк», «Енгилсаноатбанк» тузилди.

Европа ва Ўзбекистонда банк тизилишини таққослаш бу тизимдаги кучли ва заиф томонларни аниқлаш имконини беради. Шу тариқа бизнинг банкларимиз Европа мамлакатлари банкларининг ижобий жиҳатларини амалиётга татбиқ қилишлари мумкин.

Асосий курсларда, шунингдек, банклар фаолиятининг бошқа операциялари ҳам таҳлил этилади. Хусусан, чеклар, векселлар, кредит ва дебит пластик карточкалар, электрон тўловлар тизими ва қиринг марказларини ташкил қилишга оид саволларга кўпроқ эътибор берилади. Тўловларнинг ушбу услубларини қўллаш Президентнинг фармонларида ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорларида назарда тутилган бўлиб, улар давлатнинг иқтисодий ислоҳотлар ва пул-тўлов кредитлари сиёсатини янада чуқурлаштиришга кўмаклашади. Тижорат банкларининг кредит портфелини вужудга келтириш ва кредитга тегишли муаммолар ҳам диққат марказида бўлади. Умуман олганда, бу масалалар бизнинг банкларимиз учун янгилик эмас. Бироқ давлатга қарашли бўлмаган корхоналар, хусусий ва деҳқон хўжаликлари, тадбиркорликнинг бошқа шакллари доирасининг кенгайиши янги иқтисодий муносабатлар шаклланаётган даврда муҳим аҳамиятга эга. Кредит хавф-хатарини инкор қилиш эса банкнинг ликвидлиги даражасини камайтириши, ҳатто уни банкротгача олиб келиши мумкин. Шунинг учун Ғарб мамлакатларининг бу соҳадаги тажрибаси ушбу масалаларни ҳал қилишда ғоят асқотади.

Айни вақтда республика банклари фаолиятида мутлақо янги — қимматбаҳо қоғозлар ва чет эл валютаси билан боғлиқ жараёнлар пайдо бўлмоқда. Европа мамлакатларида ушбу жараён тизими аниқ ишлаб чиқилган бўлиб, катта фойда келтиряпи. Шу боис бизнинг банкларимизда буни татбиқ қилиш, ана шу жараёнларнинг моҳияти ва техник услубларини ўрганишни жадаллаштирмоқ зарур.

Чуқурлаштирилган курслар эса тингловчига банк операцияларининг баъзи томонларини пухтароқ ўрганишни, амалий билим беришни кўзда тутади. Хусусан, унинг дастурида чет эл валютасига тегишли масалалар, яъни жаҳон банк амалиётида қўлланилаётган умумий номлар ва атамалар, валюта операцияларини бошқарадиган давлат қонунчилиги, валюта курси ва уларни аниқлаш тартиби ҳамда ташқи иқтисодий алоқалар учун нақд ва нақдсиз пул ҳисоб-китоб муносабатлари услубиятини ўргатиш мўлжалланган. Тингловчилар Ғарб мамлакатларида кенг қўлланиладиган ҳисоб-китоб шакллари, пул ўтказиш, аккредитивнинг барча шакллари: чеклар, векселлар, «СВИФТ», тўловларнинг электрон тизимларини билиш имкониятига эга бўладилар.

Шу билан бирга, мутахассислар бизнинг иқтисодиётимиз учун янги бўлган тушунчалар — капиталнинг жаҳон бозори, валюта билан форвард ва фьючес битимлар ва бошқалар тўғрисида умумий маълумотлар оладилар.

МБЎМ аъло даражадаги моддий базага эга. Унинг ўқув аудиториялари ва маъмурий биноси Жаҳон иқтисоди ва дипломатия университети ўқув биносининг 6-7-қаватларида жойлашган бўлиб, туркиялик курувчилар томонидан таъмирланган. Аудиториялар эса махсус мебеллар ва техник жиҳозлар билан таъминланган. Чет эллик мутахассислар ва жаҳон банкининг иқтисодий тараққиёт институти ҳомийлигида марказнинг ахборот базаси яратилаётир.

Шуни таъкидлаш керакки, республика Марказий банки, Миллий банк, «Агросаноатбанк» «Туронбанк» ўз ходимларининг марказимизда ўқишларига жиддий эътибор бермоқдалар. Аммо бошқа банклар бу тадбирнинг муҳимлигини ҳали тўла англаб етганларича йўқ. Улар тижорат банкларини соликдан озод қилиш ва ушбу маблағни мутахассисларни қайта ўқитишга сарфлаш тўғрисидаги тегишли фармонни бажармаётирлар. Ваҳоланки, МБЎМнинг банклар билан ҳамкорлиги қанчалик кенгайса, мамлакатимизнинг барча банклари ходимларини ўқитиш муаммоси шу қадар тезроқ ҳал бўлар эди.

**Б. ХЎЖАЕВ,**
**«Минтақа банк ўқув маркази» — МБЎМ бош директори, иқтисод фанлари доктори.**
**Б. ТЕН,**
**профессор.**



***Урганч пиллакашлик фабрикасида янги йигирув-тўқув дастгоҳларини ўрнатгандан кейин, атлас, помбархит, велюр каби газламалар ишлаб чиқарила бошланди.***

***СУРАТЛАРДА:*** *(чапдан) ипакчилик фабрикаси илғор ишчиларидан: Шаҳло Бекчонова, Адолат Рўзметова, Аваз-жон Эсметова, Гулнора Ёқубова, Муқаддас Иброҳимова.*

**Шоназар ИБРОҲИМОВ олган суратлар.**

# АГРОФИРМА

## ЁКИ ЎЗБЕК МЕВАЛАРИ ЖАҲОН БОЗОРИГА ЮЗ ТУТМОҚДА

***Хабарингиз бор, илгари «Ўзмевасабзавотузумсаноат» концерни бўлиб, унинг расмий номи «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги мева-сабзавот ва узумчилик саноати давлат кооперативи концерни» эди. Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 28 ноябрдаги фармойишига биноан у «Ўзбекистон Республикаси мева-сабзавот ва узумчилик саноати уюшмаси деб аталди. Савол туғилиши табиий: номи қарийб ўзгармаган концерн уюшмага айлантирилибди. Хўш, нима ўзгарди?***

***Ушбу саволга «Ўзмевасабзавотузумсаноат» уюшмасининг раиси Баҳром НОСИРОВ шундай жавоб беради:***

— Уюшмамизнинг номи сиз айтгандай, деярли ўзгармаган бўлса-да, иш фаолиятимизда катта бурилишлар юз берди. Илгари биз давлат тизимидаги корхона ҳисобланиб, фақат кўрсатма билан ишлардик. Энди бутунлай эркин бўлдик.

Республикамиз мустақилликка эришгач, барча жабҳаларда кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилди. Хусусан, Президентимиз Олий Мажлиснинг биринчи сессиясида таъкидлаганидек, «Эски, маъмурий-буйруқбозлик усулига қурилган бошқарув тизими тубдан янгиланди, ортиқча назорат қилувчи ва тафтиш ўтказадиган идоралар сони кескин камайтирилди». Буни ўзимизнинг уюшма мисолида айтадиган бўлсак, илгари бизда назорат-тафтиш бошқармаси, саноатни таҳлил этиш ва истиқболни белгилаш, қишлоқ хўжалиги ва савдони таҳлил этиш, маҳсулотни харид қилиш, етказиб бериш, сотиш ва сақлаш бўлимлари бўларди. Ҳозир буларнинг барчаси тугатилди. Бошқарув аппаратимиз ихчамлашди. Бизга қарашли бўлган жамоа хўжаликларидаям шу тартибда иш олиб боряпмиз.

Уюшмада 1995 йилдан бошлаб, бошқарув аппаратлари ниҳоятда ихчам бўлган, қайсидир соҳага ихтисослашган агрофирмаларни янгитдан тузишга киришдик. Бундай агрофирмаларнинг сони ҳозир 50 тага етиб қолди. Буларнинг айримларини санаб ўтсам: мева ва сабзавот консервалари ишлаб чиқаришга мослашган «Қашқадарё», «Наманганконсерва», «Самарқанд», «Кишмиш», «Наврўз», «Учкўприк», «Қувасой», узумчилик ва виночилик бўйича «Шаҳрисабз», «Наманганвино», «Денов», «Янгийўл», «Мастона», картошкачилик бўйича «Боғизағон», «Сўх» афгофирмалари.

Хўш, агрофирманинг ўзи нима? Буни оддий сўз билан тушунтирадиган бўлсак, агрофирма деҳқончилик билан саноатни бир-бирига яқинлаштириш демакдир. У асосан бир соҳага ихтисослашган бўлади. Дейлик, узумчиликка ёки боғдорчиликка, ёхуд сабзавотчиликка ва ҳоказо.

Агрофирманинг яна бир муҳим томони шундаки, унинг бошқарув аппарати ихчамгина. Бундан ташқари агрофирма шароитида бевосита ташқи дунё билан алоқа қилиш имкони туғилади.

Энди агрофирманинг таркиби ҳақида гапирадиган бўлсак, унда, албатта, саноат корхонаси мавжуд бўлади. Дейлик, консерва ишлаб чиқарадиган корхона. У ёки бу маҳсулотларни етиштирадиган бир қанча жамоа хўжаликларини ўз атрофига бирлаштиради. Бундан нафақат агрофирма, балки жамоа хўжаликлари ҳам катта манфаат кўради. Яъни, ўша хўжаликлар пишиб етилган маҳсулотига харидор излаб, овора бўлмайди. Йиғиб олинган маҳсулот пешма-пеш агрофирманинг консерва корхонасига жўнатилади. Қисқача қилиб айтганда, агрофирма бир неча хўжалик, корхона ва ташкилотларнинг ишчиёрий равишда бирлашган уюшмасидир.

Ишларимизни шу йўналишда давом эттириб, келажакда Андижон, Бухоро, Қашқадарё, Сурхондарё, Тошкент, Фарғона вилоятларида янги узилган мева ва сабзавотларни етказиб берадиган йирик-йирик ихтисослашган агрофирмаларни тузмоқчимиз. Аммо бу режаларни амалга оширишнинг ўзи бўлмайди. Бунинг учун катта маблағ керак. Бу — биринчидан. Иккинчидан, мавжуд корхоналаримизни замонавий ускуналар билан жиҳозлаяпмиз. Ҳозирги кунгача 31 та қайта ишлаш корхоналари давлат тасарруфидан чиқарилди, 27 та очиқ турдаги акционерлик жамиятлари, 4 та жамоа корхонаси ташкил этилди, 703 та савдо шаҳобчаси хусусийлаштирилди.

Мутахассисларни қайта тайёрлашга ҳам катта эътибор бермоқдамиз. Масалан, ҳозирги вақтда Иқтисодий тараққиёт жаҳон банки институти Аграр дорилфунуни билан биргаликда ташкил этган курсларда 13 мутахассисимиз билимини оширмоқда. Ўтган йили 70 дан зиёд мутахассис махсус курсларда ўқиб, қайта тайёргарликдан ўтди. Аммо бу ишлар барибир кам. Нега деганингизда, ҳали жуда кўп муаммоларни ҳал этиш керак. Жаҳон бозорида мол сотишнинг ўзи бўлмайди. Пештахтадан жой олиш учун маълум қоидаларга риоя қилиш, жаҳон савдо маданиятидан тўлиқ хабардор бўлиш керак. Қолаверса, ҳар бир мол жаҳон андозасига жавоб бериши, улар чиройли қилиб пакетларга, қутиларга жойланган бўлиши лозим. Мен бу гапларни нима учун айтяпман? Илгарилари бизда масаланинг бу томонига унчалик аҳамият берилмасди. У ёки бу хўжаликка райкўм, райкўмга обкўм, обкўмга Марказкўм буйруқ берарди: шунча маҳсулот вагонга ортилсин, тамом. Аммо бу маҳсулот андозага жавоб берадими, йўқми, бизнинг ишимиз бўлмасди. Биз чиримаган, яхши маҳсулот етказиб берардик, холос. У яъни навларга ажратиларди. Олий нав, биринчи, иккинчи, учинчи навлар. Жўнатилаётган маҳсулотларнинг аксарияти олий ёки биринчи, нариси билан иккинчи нав бўларди, қолганлари ўзимизнинг коримизга ярарди. Қарийб 70 йилнинг бадалида биз шу йўсинда ишладик.

Мустақиллик шарофати билан энди ишимиз бутунлай ўзгарди. Бироқ шу нарса аён бўлиб қолдики, олий нав, биринчи, иккинчи ва ҳоказо навли маҳсулотлар андозаларга бўлинаркан. Ҳозир шу хусусда статистик ишлар олиб бораётирмиз. Чунончи, сиз келишингиздан аввал италиялик бир меҳмонни қабул қилдим. У бизнинг тизимдаги ишларни ўрганиб, Вазирлар Маҳкамасига ўз хулосасини бермоқчи. Келиб кетаётган чет эллик меҳмонлар қатори у ҳам шуни таъкидлади: «Мевларингизнинг шираси ниҳоятда ўткир. Жаҳон бозорига албатта чиқишингиз керак. Бироқ ҳозир сизларда реклама ишлари жуда суст. Телевидение орқали жаҳон сигареталарини тарғиб этасизлар-у, ўз маҳсулотларингиз ҳақида лом-лим демайсиз. Бу борадаги ишларни жадаллаштирмоқ керак».

Италиялик меҳмоннинг фикри тўғри. Биз, албатта, реклама ишларини, маҳсулотларимизни яхшилаб безаб, харидор эътиборини тортадиган чиройли ёрлиқлар билан чиқаришни йўлга қўймоғимиз керак.

Керакли ҳужжатлар имзоланди, Худо насиб этса, бу йил Польша, Германия, Италия, Малайзия ва Япония мамлакатларига ўз маҳсулотларимизни жўнатамиз. Бу деган сўз — 12 миллион 600 мингдан зиёд АҚШ доллари кассамизга келиб тушади. Бу ҳали бошланиши...

**Мирвали АЪЗАМ.**
**«Халқ сўзи» жамоатчи мухбири.**

*• Бугуннинг гапи*

# ҚУРИЛИШ ИНШООТЛАРИ ТАННАРХИНИ АРЗОНЛАШТИРИШ МУМКИНМИ?

***Яқинда Ўзбекистон Архитектура-қурилиш давлат қўмитаси ҳайъатининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда ана шу долзарб вазифа муҳокама қилинди.***

Ҳақиқатан ҳам бугунги бозор иқтисодиёти шароитида, бунинг устига қўшни республикаларда қурилиш ашёлари нархи осмонга сапчиб турган бир пайтда республика аҳолиси учун сув билан ҳаводек зарур бўлган уй-жойлар таннархини арзонлаштириш мумкинми? Агар имкони бўлса, қандай қилиб?

Ушбу масала «Ўзсаноатхўжаликқурилиш» корпорацияси иши мисолида кўриб чиқилди.

Аввало, шуни айтиб ўтиш лозимки, сўнгги икки йил ичида «Ўзсаноатхўжаликқурилиш» корпорациясининг вилоят, шаҳар ва туман бўлимларида қурилиш-монтаж ишлари ва ишлаб чиқариш ҳажми кескин сусайгани кузатилди. Биргина мисол. Ўтган йили бу кўрсаткич 26,5 фоизга, шу йилнинг дастлабки ойларида 17,4 фоизга пасайди. Бошқа қурилиш ташкилотларида эса, аҳвол бундан ҳам ёмон: «Ўзсувқурилиш»да — 20,4 «Тошуйжойинвестқурилиш»да — 9,5, «Ўзколхозқурилиш»да 10,7 фоизни ташкил этди.

Бундан ташқари, мазкур қурилиш ташкилотларига хомашё тайёрлаб берувчи ишлаб чиқариш корхоналаридаги ялпи маҳсулот ҳажми 1993 йилга нисбатан 28,7 фоизга, жумладан, темир бетон ишлаб чиқариш 29,9, дурадгорлик буюмлари 68,4 фоизга пасайиб кетганлигига нима дейсиз?

«Ўздавархитекқурилиш» қўмитаси ҳайъати йиғилишида юқорида номлари қайд этиб ўтилган ташкилотлар раҳбарлари қаттиқ танқид остига олинди. Мавжуд камчиликларни тезроқ бартараф этиш учун чора-тадбирлар белгиланди.

Ҳа, хомашё тақчиллиги барча соҳалардаги сингари қурилиш ташкилотларини ҳам четлаб ўтмади. Оқибатда қурилиш ашёларининг қимматлашиб кетганлиги боис, иншоотлар учун буюртма берувчилар сони ҳам кескин камайиб кетди.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, қурилиш ашёларининг ўртача ойлик қимматлашиш суръати ўтган йилнинг сўнгги ойларига нисбатан 1995 йилнинг январь-февраль ойларида 11 фоизгача ошиб кетган. Бироқ, шуни қувонч билан таъкидлаш жўизки, қурилиш ташкилотларига бевосита алоқадор ташкилотлар раҳбарлари «берсанг ейман, бермасанг ўламан» қабилида иш тутаётгани йўқ. Аксинча, буюртмачиларга қулайлик яратиш ниятида қурилишда маҳаллий хомашёдан фойдаланишни кенг йўлга қўйиш, пировардида иншоот мажмуи смета-лойиҳаларини бир неча баробарга арзонлаштириш учун мавжуд барча имкониятлар ишга солинаяпти.

Қурилиш ташкилотлари ва илмий-тадқиқот институтлари олимларининг ҳамкорлиги туфайли четдан келтириладиган 90 турдаги қурилиш ашёларнинг 60 тасини маҳаллий хомашёдан тайёрлаш йўлга қўйилиб, ишлаб чиқаришга жорий этилди. Шунингдек, «Ўзсаноатхўжаликқурилиш» корпорацияси ва «Ўзғирсаноатлойиҳа» институти мутахассислари иштирокида жойлардаги қурилажак корхоналарнинг лойиҳалари такомиллаштирилди. Масалан, Ангрен олтин конидаги пўлат каркас (синч)лар темир-бетонга алмаштирилди. Натижада 160 тонна пўлатни иқтисод қилишга эришилди. Андижон механика заводи, Бухоро, Термиз, Шаҳрисабздаги қурилиши зарур бўлган корхоналар лойиҳалари ҳам такомиллаштирилиб, харажатлар миқдори кескин камайтирилди.

Бундан ташқари, Андижон механика заводининг айрим пўлат синчлари, Тошкент трактор заводи қуюв цехининг пўлат синчлари темир-бетонлар билан алмаштирилди. Агар мазкур лойиҳаларда кўзда тутилган режалар рўёбга чиқса, 1994 — 1996 йилларда 130 дан ортиқ қурилиш иншоотларининг смета-лойиҳасида белгиланган баҳосини бир неча бараварга арзонлаштириш мумкин бўлади.

Бунинг учун асослар бор. Чунончи, 1994 йили Асака шаҳридаги «Ўзқурилишконструкция» корхонасида панел тайёрлаш, Фарғона ёғочни қайта ишлаш заводида маҳаллий дарахтлардан қурилиш ашёлари, паркетлар тайёрлаш йўлга қўйилди. Ўтган йили бу ерда синов тариқасида 300 кубметр ана шундай маҳсулотлар ишлаб чиқарилган эди. Ундан 700 минг сўм фойда кўрилди.

Олмалиқ ёғочни қайта ишлаш заводида эса, илк бор металлопрокат чиқиндиларидан мих, ошиқ-мошиқлар, ёғоч чиқиндиларидан эса паркетлар тайёрлаш ўзлаштирилди.

МДҲ давлатларидан пўлат келтириш камайиб кетганлиги боис, қурилиш ташкилотларининг буюртмасига биноан «Ўзбекметаллургия» заводининг айрим цехларида панеллар, саноат иншоотлари учун махсус плиталар, темирбетонлар, электрод, бўёқлар, 350 тоннадан зиёд карбид кальций, 2 мингдан кўпроқ радиаторлар ва бошқа қурилиш буюмлари ишлаб чиқарилди.

Умуман олганда, республика ташқарисидан келтирилаётган материалларнинг ўрнини маҳаллий хомашёлар билан алмаштириш тадбири биргина ўтган йилнинг ўзида 5 миллион сўмдан зиёдроқ самара берди. Корпорациянинг иқтисодиёт институти мутахассислари эса, жойлардаги трестларнинг буюртмасига кўра, уларга бугунги кун талабларига тўлиқ жавоб бера оладиган замонавий ишлаб чиқариш лойиҳаларини тайёрлаб бермоқда. Хусусан, Кўқондаги 14-қурилиш терстининг буюртмасига биноан, истеъмол спиртлари ишлаб чиқариш цехларини янги типда қайта таъмирлаш лойиҳаси ишланди.

Йиғилишда жорий йилнинг сентябрь ойига қадар манфаатдор ташкилотлар билан ҳамкорликда «Объектларни қуриш бўйича пудрат савдоларини ўтказиш тўғрисидаги Низом»ни ишлаб чиқиш, Тошкент шаҳар архитектура ва шаҳарсозлик бош бошқармаси, лойиҳа ишлари бошқармаси билан ҳамкорликда пойтахтда қурилажак уй-жой ҳамда ишлаб чиқариш иншоотларининг замонавий меъморчилик тизимларини жорий қилиш ва бошқа бир қатор масалаларни ҳал этиш мақсадида, мутахассислар ўзаро келишиб олишдилар.

Бир сўз билан айтганда, «Ўздавархитекқурилиш» қўмитаси ва «Ўзсаноатхўжаликқурилиш» корпорацияси ҳамда ассоциация ва трестлари маъмуриятларининг четдан хомашё келтиришни камайтириш ва маҳаллий хомашёдан фойдаланишни кенг йўлга қўйиш борасидаги режалари катта. Тўғри, ҳали маҳаллий хомашёдан қурилиш ашёлари тайёрлаб берадиган корхоналар сони ва уларнинг ишлаб чиқариш ҳажми жуда кам. Борлари эса, тўлиқ қувват билан ишлаётгани йўқ. Зеро, ўтган етмиш йил давомида тайёр қурилиш ашёларидан фойдаланишга кўниккан жамоа учун маҳаллий хомашёдан фойдаланишни кенг йўлга қўйиш осон иш эмас. Қолаверса, бунинг учун улкан маблағ ва бир-икки йил вақт талаб этилади. Энг муҳими қурилишга бевосита алоқадор бўлган ташкилотлар раҳбарларида ҳамжиҳатлик, изланиш, интилиш бор. Бундай жойда эса, доимо имконият топилади.

**Баҳодир ОСТОНАҚУЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

*Данғара туманидаги Худойбердиев номли жамоа хўжалигининг Насибали Бекмирзаев етакчилигидаги бригада деҳқонлари бу йил 66 гектар ерга барака уруғи қадашди. Улар ҳар гектар майдондан 50 центнердан ошириб ҳосил олишмоқчи.*

*СУРАТДА: Насибали Бекмирзаев ўғли, бригада механизатори Абдумутал билан.*

Т. ҲАМРОҚУЛ олган сурат.

*• Олий таълим: ислоҳот қирралари*

# ЖАДВАЛДАН ТАШҚАРИ ДАРС

***Гулистон Давлат университети ётоқхоналарида ўтказилаётган янгича тадбир талабалар бўш вақтидан мазмунли фойдаланишларига ҳизмат қилмоқда.***

Сир эмас, ётоқхона шароитида ҳамма ҳам бўш вақтни бирдек самарали ўтказавермайди. Кимдир мутолаа қилса, кимдир ҳангома талаб. Гулистон Давлат университетида ҳам ётоқхоналарни илм ва тарбия масканига айлантириш борасида ибратли ишга қўл урилди. Университетнинг 2545 нафар талабаси бор. Уларнинг аксарияти ётоқхоналарда яшашади. Талабалар гўшасида ўтказилаётган тадбирга «Кафедралар куни» деб ном берилди. Бу янгилик бир қолип ёки дастур асосидаги сабоқлардан иборат бўлмай, аксинча кўпроқ талабаларни қизиқтирган долзарб мавзуларда олиб борилади. Муҳими шундаки, «Кафедралар куни» — очиқ дарс. Унда математика, адабиёт ёки тарих, умуман, барча факультетларнинг талабалари биргаликда сабоқ олишади. Айни чоғда, машғулотларни университетнинг 2 та кафедраси профессор-ўқитувчилари навбат билан ўтказиб боришади.

— «Кафедралар куни»дан кўзланган асосий мақсадимиз талабаларнинг дунёқарашини кенгайтиришдан иборат, — дейди университет ректорининг муовини, фалсафа кафедраси мудири, доцент Равшан Маҳмудов. — Шу янгилик туфайли математика факультети толиби ўзбек адабиёти, тарих, ёки аксинча-ижтимоий фанлардан сабоқ олаётган талаба аниқ фанлар бўйича кенгроқ билимга эга бўлмоқда.

«Кафедралар куни» ҳафтада икки марта ўтказилади. Шуниси эътиборлики, қўнғироқ чалинмайдиган, йўқлама қилинмайдиган бу дарсларга талабалар ўз ихтиёрлари билан, тўлиқ қатнашишади. Талабаларнинг қизиқиши ортаётганини машғулотларнинг кечки соат 17 дан 22-23 гача давом этаётгани ҳам далиллайди.

Умуман, Гулистон Давлат университетида таълим ва тарбияга баробар эътибор берилаётганлиги ўқув самарадорлигининг ошишига ижобий таъсир кўрсатаётир. Барча факультетларда «тарбиявий соатлар»нинг мунтаҳам ўтказилиши, ота-оналар билан учрашувлар ташкил этилиши одат тусига кирган. Университетнинг ички телевидениясида ҳафтада 5 кун (кўпроқ тарбиявий мавзуларда) кўрсатувлар бериб борилади. Университет ўқув биносида ва ётоқхоналарида тартибинтизом тўғри йўлга қўйилган. Ички тартибга кўра 30 соат дарсларда сабабсиз қатнашмаган талаба университетда таълим олиш ҳуқуқидан маҳрум бўлади. Зеро, бугунги кун талаби аввало тарбия мукаммал бўлмас экан, таълим самарадорлигини ошириш мушкулдир.

**А. ШЕРНАЗАРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

*"Ўздунробита" Ўзбек-Америка уяли алоқа қўшма корхонаси уруш фахрийлари, фронт ортида меҳнат қилганларни ва Ўзбекистоннинг барча фуқароларини 1941-1945 йиллар урушида фашизм устидан қозонилган ғалабанинг 50 йиллиги билан қутлайди. Уларга саломатлик, хурсандчилик, хотиржамлик, барқарорлик ва ҳамжиҳатлик ҳамда Ўзбекистоннинг гуллаб-яшнаши учун бошланган ислоҳотларни амалга оширишда катта муваффақиятлар тилайди.*

**Уяли алоқа - телефонларнинг асили!**

Тошкент, Урганч, Самарқанд ва Қаршида уяли алоқа станциялари муваффақиятли ишлаб турибди. Бошқа шаҳарлар - навбатда. Асосий транспорт магистраллари бўйлаб жадал алоқа тармоқлари қурилади.

**Уяли телефон- ҳар доим Сиз билан!**

UZDUNROBITA
cellular

• *Долзарб мавзуда суҳбат*

# МИЛЛИЙ КИНО САНЪАТИМИЗ ҚАЙТА ТУҒИЛМОҚДА

*Яқинда жаҳон киносининг юз йиллиги кенг нишонланади. Республикамизда ушбу санага яна бир байрам қўшилади, чунки бундан етмиш йил муқаддам ўзбек киноси дунёга келган эди.*

*Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейин миллий киномиз Маданият ишлари вазирлигидан ажралиб, Ўзбекистон Республикаси Давлат кинокомпанияси (Ўздавкинокомпания) мақомини олди. Иккинчидан, ўтиш жараёнининг барча қийинчиликларига қарамай кино санъатида олдинга силжиш мавжуд, кинога ялтанувчан ижодкор ёшлар кириб келмоқда. Шундай бўлса-да, ютуқлардан кўра муаммолар кўпроқ.*

*Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Олий Мажлиснинг биринчи сессиясида сўзлаган маърузасида, мамлакатни ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ривожлантиришнинг навбатдаги вазифаларидан бири — маданият ва маориф соҳасини юксалтириш аниқ кўрсатилган. Кундалик ҳаётда, айниқса, ўсиб келаётган авлодни миллий руҳда тарбиялашда экраннинг (катта ва телеэкран) роли муҳимлиги таъкидлаб ўтилган. Афсуски, ҳозирча бу борада «Совет мафкурасини» ташвиқ этувчи эски киноленталар, замонавий жанрдаги фильмлардан нарига ўтилмаяпти. Мавжуд аҳволдан чиқишнинг иложи борми?*

*Мухбиримиз Ўздавкинокомпания раисининг биринчи ўринбосари С. С. Аҳроров билан ана шу ҳақда суҳбатлашди.*

**— Сайдамин Саидкаримович, мустақилликка эришганимизга уч йил бўлди. Иқтисодда, ислоҳотлар кенг қулоч ёйди, жаҳон ҳамжамиятида ўз ўрнимизга эришдик. Шу вақт ичида кинематографияда ҳам кўзланган мақсад сари силжишлар ҳақида гапирсак бўладими?**

— Бу силжишлар кино санъати усталари—сценарийнавислар, режиссёрлар, тасвирчилар, кинр ишлаб чиқариш ташкилотчилари, қисқаси бугунги кинога даҳлдор кишилар онгидаги, руҳидаги ўзгаришлардан бошланади. Кўпчилик эски қарашлардан воз кечмоқда.

Илгарилари давлат маблағига йилига республика бўйича 10-12 бадиий фильм, мультфильм, ҳужжатли ва телефильмлар ишлаб чиқариларди. Кинотеатрлар киноижара идораси ҳисобига ишлар, йилига қанча фильм кўрсатилиши, унинг қанчаси чет элники бўлиши кераклиги ва яхши киноасарлар фақат режани тўлдириш учунгина кўрсатилиши Марказ томонидан қатъий белгиланарди.

Ҳозирда йилига етти-саккиздан бадиий фильм (1992—1994 йиллар) суратга олинаяпти: бир қисми хорижлик шериклар билан ҳамкорликдаги маҳсулот, бир қисми хомийлар маблағига. Бундан ташқари 40 қисмга жамланган ҳужжатли кино, ҳар чоракда чиқадиган «Наштар» ва болаларга аталган «Зумраша» киножурналлари ҳамда 30-40 фильмни сотиб олиш ва ўзбек тилига ўгиришини ҳам айтиб ўтиш жоиздир. Кино ишлаб чиқаришдаги аҳвол МДҲ мамлакатларида бир хил, лекин давлат томонидан маблағ билан таъминлаш борасида, ўзбек киносининг аҳволи анча яхши.

**— Агар, жоиз бўлса, ўтган йиллардан, инқироздан олиб келувчи қайта қуришлардан Ўздавкинокомпанияга мерос бўлиб қолган хўжалик ҳақида нима дея оласиз?**

— «Ўзбекфильм»да кўп йиллар мисқоллаб йиғилган кинога оид бой ашёлар, буюмлар йўққа чиқарилди, махсус машиналар, операторлик кранлари, фотоцех ва бошқа ашёлар арзон баҳоларда сотиб юборилди. Бундай ноёб техникани ҳозир топиш амри маҳол. Қимматлиги ҳақида эса гапирмай қўя қолай. Қандай бўлмасин, уларни тиклаш керак.

**— Ижодкор зиёлилар орасида инқироз туфайли миллий кинога зарба берилди, дегувчилар ҳам топилмоқда...**

— Мен юқорида таъкидлаб ўтган ва давом эттиришим мумкин бўлган рақамлар инқироздан дарак берадими? Аксинча, улар бошқарувчилик кайфиятига зарбадир.

**— Сизнинг сўзларингиздан, киностудиялар энди дотацияга ҳам, давлатнинг бирор бошқа ёрдамига ҳам муҳтож эмас, деб тушунсак бўладими?**

— Йўқ. Кино бошқа маънавият ташкилотлари каби давлат кўмаги, рағбатисиз яшай олмайди. Давлат пулини оқилона ишлатиб, уни халққа юксак савияли санъат асарлари шаклида қайтармоғимиз лозим. Аксарият таниқли, қобилиятли кишилар ҳаётдаги ўзгаришларга ҳозиржавоб бўлиш ўрнига инқироз ҳақида гапирадилар. «Улуғбекфильм» студиясидаги (директор Х. Иброҳимов) гурухга 1993 йилнинг охирида муҳим давлат буюртмаси — икки қисмли «Мирзо Улуғбек» бадиий фильмини яратиш юкланганди. Маблағ вақтида ажратилган бўлса-да, ташкилотчилар ишнинг кенг кўлами ва машаққатли эканини рўкач қилишиб, ниманидир кутишди. Мазкур буюртмани қайси студияга бериш ҳақидаги масала ҳал қилинаётганда, аввало, Ўздавкинокомпания етарлича қатъийлик кўрсатмади. Студия раҳбарлари билан ижодий гуруҳнинг қизиқишлари ва ўз манфаатларини ўйлашлари, санъаткорнинг давр ва халқ олдидаги бурч ҳамда масъулиятидан устун келди. Бунда бизнинг ҳам хатоимиз бор, айбни кимгадир ағдармоқчи эмасман. Бу ерда эскидан қолган мафкура, руҳий инерция муҳим роль ўйнаган. Ўтган йиллардан қолган «синашта» усуллар энди ўтмаслашган, кимлардир бу нарсаларга суяниб иш кўриш пайида. Натижада жўшқин ижодий меҳнат ўрнига ёлғон кўрсатмалар кишининг тинчини бузади, фисқи-фасодлар...

**— Инқироз мана шу эмасми?**

— «Ватан» студиясига давлат буюртмаси билан топширилган Абдулла Қодирийнинг «Ўтган кунлар» асари асосидаги бадиий фильмнинг муддати ҳам ўтиб кетди...

Қўлни қовуштириб ўтирмасак, раҳнамолик кутмасак бозор қўрқинчли эмас. Бугун Ўздавкинокомпания томонидан берилган имкониятлардан фойдаланиб, иккиламчи хомашёни қайта ишлаш ҳисобига турли маҳсулот келтирувчилар билан ўзаро ҳисоб-китобни тезлаштириш учун воситачиликни қўлладик. Ҳаммаси силлиққина кетмади, узилишлар бўлди, бироқ аста-секин кўникиб, ўрганиб бордик. Ҳозирча Россия ва Украинадаги асосий шериклар билан умидли алоқалар ўрнатилди.

**— Реклама ва афишаларга қараб, ҳинд ва Америка фильмларининг асри бошланибдими, деб ўйлайсан киши. Буни қандай изоҳлайсиз?**

— Кўпчиликнинг уйида видео, кабелли телевидение, параболли антенналар борлигини ҳисобга олсак, томошабинни хонасидан чиқариш осон эмас. Илгари биз собиқ иттифоқнинг давлат киноижарасидан йилига ўзимизда ва хорижда ишланган 300 дан зиёд фильмдан ҳоҳлаганимизни танлаб олардик. Бу энди ўтмишга айланди. Ўзимиз йилига салкам ўнта картина ишлаб чиқарамиз. Қўшни Марказий осиёдаги давлатлар ўз маҳсулотларини кўпам тавсия этишмайди. Россия кинобозорида таклифлар кўп, бироқ нархи баланд. Шу боисдан Америка, ҳинд фильмларини танлашдан ўзга чора қолмайди.

Шу билан бирга бошқа регионлардан шериклар излаймиз. Покистон, Миср, Корея кинобизнесчилари билан Тошкентда шу мамлакатлар миллий киноси ҳафталиклари ўтказиш тўғрисида музокаралар олиб борилди, кинобозорлар ташкил этиш мўлжалланмоқда. Мазмунан бизга тўғри келадиган картиналарни гарчи ҳақини тўлаш мушкуллик туғдирсада, тезда сотиб оламиз. Кинотеатрлар қошида видеотекалар, видеосалонлар ва хизматнинг бошқа турларини ташкил этмоқдамиз.

Ўтган ўн йилликда Ўзбекистон студияларида миллий кино санъатининг «Олтин фонди»га кирган фильмлар яратилганини эътироф этмоқ зарур. Ўздавкинокомпания ўсиб келаётган ёш авлодни ана ўша дурдоналар билан таништириш, ҳамда кинотеатрлар ва телевидение дастурини бойитиш учун ушбу фильмларни тиклаш, ўзбек ва рус тилларига ўгириш чора-тадбирларини бошлаб юборди.

Ҳозирги шароитда бинодан фойдаланиш ҳаражатлари электр қувватини, иссиқлик, сув ва бошқалар ахволни мушкуллаштиради. Албатта, давлат буларга дотация ажратади, лекин кинокомпания жойлардаги раҳбарларни вазиятдан чиқиш йўлларини ахтаришга мажбур этади. Кинотеатр бинасининг бир қисмини тижорат фирмаларига, савдо тизимларига бериш одат тусига кириб қолди. Бироқ кинотеатр ўзининг зарарини қоплаш ва давлат дотациясини камайтириш йўлини қилса, ўша заҳоти бошига солиқ тўлаш ғавғоси тушмоқда. Ҳокимликлар қайси мақсадлар билан бундай қарор чиқаришдийкин, айтиш қийин, лекин шуниси аниқки, бундай қарорлар бозор иқтисоди афзалликларини қўлламоқчи бўлганларнинг ишига тўғаноқ бўлади. Юқоридан зарар кўраётган корхоналарни қўллашади, пастдан бу қўллашни бекор қилишади. Ҳайронман. Кино соҳасига тегишли жойлардан олинадиган солиқларни камайтириш зарур. Ахир, гап маънавий камолга етишнинг энг муҳим омиллари ҳақида кетаяпти-ку.

**— Матбуот ва радионинг кино санъати муаммоларига қизиқиши пасайиб кетганини сезаяпсизми?**

— Ҳа. Гап фақат журналистларда эмас. Ҳамза номидаги санъатшунослик институтида махсус кино ва телевидение сектори бор. Унда киностудиялар ишларини, ўзимизнинг ва хорижий мамлакатларнинг таниқли режиссёр, сценарийнавис, актёрларимиз фаолияти ёритиб борилиши керак. Афсуски на униси, на бу-ниси.

**— Ҳар икки йилда бир марта Тошкентда уюштириладиган Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари Халқаро кинофестивалини ўтказиш анъанаси яна давом этадими?**

— Сўзсиз. «Тошкент кинофестивали» деб ном қозонган бу анжуман сўнгги бор 1992 йил кузида бўлиб ўтган эди. Унинг доирасини кенгайтириш лозим. Шу муносабат билан кинофестивал мақоми кинопродюссерлар Халқаро Федерацияси ассоциясида (ФИАПФ) Халқаро Тошкент кинофестивали, деб рўйхатдан ўтказилди. Унинг дастурига Европа, Шимолий Америка мамлакатлари фильмлари ҳам киритилади. 1994 йил навбатдаги кинофестивали ўтказиш бўйича муайян ишлар қилдик. Фестиваль регламенти ва рўйхатдан ўтиш варақалари ФИАПФ томонидан тасдиқланди, нашр ишларининг маълум қисми тайёр бўлди. Бироқ Ўзбекистон атрофидаги бир қатор мамлакатларда ўтган кузда вужудга келган жиддий эпидемиология шароити туфайли ФИАПФ Президенти, жаноб А. Бриссон томонидан кинофестиваль 1996 йилга кўчирилди. Қисқаси, бир ярим йил услуби ва мазмуни жиҳатидан ўзгача бўлган фестивалга жиддий ва астойдил тайёрланиш даври бўлиб қолади.

**— Ўздавкинокомпаниянинг тузилганига уч йил бўлди. Қандай натижаларга эришилди. Кино усталари томошабинларни нималар билан хушнуд этдилар?**

— Наврўз кунлари экранларга режиссёр Зулфиқор Мусоқовнинг «Бомба» кинокомедияси чиқади. Унинг «Абдуллажон» фильми Японияда муваффақият билан намойиш этилганди. Фарҳод Ҳайдаров «Гуноҳ» фильмининг давоми «Товба»ни тугаллади. Ёш режиссёр Баҳодир Зокировнинг «Қарс» вокал-чолғу ансамбли иштирокидаги биринчи фильми «Севги ҳақида қўшиқ» деб аталади. Драматург Шароф Бошбеков режиссёр сифатида суратга олган «Масхарабоз» фильми тез орада экранларга чиқади. Қамара Камолова болалар ва ўсмирлар учун «Атроф оппоқ қорга бурканди» фильмини яратди. Актриса Раъно Кубаеванинг режиссёрлик иши — «Кенжа қиз» илк кўрикдан ўтди. Ўзбекистон, Ҳиндистон ва Шри Ланка кино усталари ҳамкорлигида яратилган «Мусиқий саёҳат», Гиёс Шермуҳамедовнинг жазоирлик ҳамкасблари билан ишлаётган «Сўғдиёна» фильмлари ҳам охирлаб қолди.

Тожикистон кино усталари билан ҳамкорликда ишланган «Имом-ал-Бухорий» деб номланган фильм ҳақида алоҳида тўхталмоқчиман. Мутахассислар режиссёрлик, операторлик ва актёрлик ишларига, истеъдодли режиссёр Баҳо Содиқов бошлиқ бутун ижодий гуруҳ фаолиятига юқори баҳо бердилар. «Имом-ал-Бухорий» суратга олинаётган пайтдаёқ ҳориж кинобизнесчиларининг қизиқиб қарашлари бу асар жаҳон кино бозорида рақобат қила олишига ишорадир. Фильмнинг иккала серияси суратга олиниб бўлди. Энди телевидение учун тайёрланмоқда. «Буюк Амир Темур» киноэпопеясини рўёбга чиқариш эса халқаро миқёсда ҳамкорлик қилиш учун яхшигина мактаб бўлиши керак. Чет эллик йирик намояндалар, катта ижодий куч, қудратли техника анжомлари, бугунги киносанъатнинг ютуқлари жалб этилади бу ишга. Бугунги кунда ҳам ватанимиз ва чет эл томошабинларига тавсия этаоладиган бадиий киноасарларимиз бор. Шу йили 40 қисмдан иборат ҳужжатли фильмлар, 5 қисмли «Амир Темур» фильми, бир қатор маърифий, илмий-оммабоп ленталар ва Ғалабанинг 50 йиллигига бағишлаб иккита картина ишлаш режалаштирилган. Барча йирик харажатларни ҳозирча давлат ўз зиммасига оляпти, буюртмалар ҳам давлат томонидан бериляпти.

Яна кинотармоқлар марказини кенгайтириш мақсадимиз бор. Янги кинотеатр қуриш бугунги кунда қиммат, оғир ва узоқ муддатли иш. Биринчи навбатда, вилоятларда бошлаб қўйилган бешта кинотеатр қурилишини якунламоқчимиз. Ҳозирда 500-800 ўринли томошагоҳ эмас, 100 кишилик яхши жиҳозланган, юмшоқ ўриндиқли бино афзал. Давлат қурилиш вазирлиги билан, шартномага асосан, бундай кинотеатрларни турар-жой биноларининг биринчи қаватига қуришга келишилди. Маблағ маҳаллий бюджет ҳисобига қопланади. Президентимизнинг Олий Мажлиснинг биринчи сессиясида «Санъатнинг бошқа турларини камситмаган ҳолда, бугунги кунда телевидение ва кино санъатининг таъсир кучи бениҳоя юксалиб бораётганини қайд этиш лозим...» деб айтган сўзлари миллий кинематографияга алоқадор ва унинг ривожланишига ўз ижоди ҳамда санъатини бахшида этаётган кишилар учун асосий йўналиш бўлиши керак.

**Суҳбатни Раим ФАРҲОДИЙ олиб борди.**

*Олим Икромов раҳбарлик қилаётган кичик корхона маҳсулотлари Пахтачи тумани аҳолисига манзур бўлаяпти.*

*Ҳозир бу ерда 30 киши меҳнат қилаяпти. Улар ун, ёғоч, мебель сингари халқ истеъмоли моллари, қипиғидан девор ва шифт қопламалари, турли хил нақшли плиткалар тайёрлашаяпти.*

*СУРАТДА: кичик корхона раҳбари О. Икромов ганчкор уста Эркин Эргашев билан.*

**Т. НОРҚУЛОВ олган суратлар.**

## ШОИРАНИНГ САРЧАШМАСИ

Ўзбекистон Республикаси халқаро Маданий-маърифий алоқалар миллий ассоциациясининг саъй-ҳаракати туфайли кўпгина миллатлар билан дўстона алоқаларимиз тобора кенгайиб, маънавиятимиз сарчашмалари бойиб бормоқда. Чунончи, мазкур Ассоциация ташаббуси билан Тошкентда Жанубий қозоғистонлиқ таниқли шоира Хонбиби Ёсенқараеванинг ижодий учрашув кечаси ташкил этилганлиги ҳар икки миллатнинг маънавий бирлигининг ёрқин ифодаси бўлди.

Маълумки, қозоқ қизи Хонбибининг «Қанот қоқди», «Булутсиз осмон», «Юлдузим», «Жонгулим», «Жан айкайи» номли китоблари ҳаёт юзини кўриб, мухлисларда катта қизиқиш уйғотган. Унинг шеърлари ўзбек, қирғиз, рус, украин, инглиз ва бошқа кўплаб тилларга ўгирилган.

1990 йили Ўзбекистонда бўлиб ўтган қозоқ адабиёти ва санъатининг ҳафталигида қатнашган Хонбиби ўзбек қаламкашлари билан яқиндан танишиб, ижодий алоқа ўрнатди. Ўзбек ижодкорларининг асарларини асл нусхадан қозоқ тилига таржима этишни ўз олдига мақсад қилиб қўйди ва қатор шоирларнинг шеърларини таржима қилди.

Учрашувда иштирок этган Қозоғистон ёзувчилар уюшмасининг котиби Габбас Кабишев ва Ўзбекистон ёзувчилар уюшмасининг раиси Жамол Камол мазкур ижодий учрашув май ойида Қозоғистонда бўлиб ўтадиган «Ўзбекистон кунлари»нинг дебочаси бўлди дейишди.

**Г. ЭРГАШЕВА, «Халқ сўзи» мухбири.**

• *Оқибатли бўлайлик*

## ЯХШИЛАР КЎПАЯВЕРСИН

Тўсатдан бетобланиб қолдим. Бу ердаги соғлом муҳитни, аҳил жамоани кўриб қувондим. Аслида тиниқ сувни лойқалатувчи, бировларнинг ширин турмушини кўролмайдиган қорақўнгил ва ғайир одамларнинг ноқобиллигидан асабим бузилиб, ётиб қолгандим. Оғриқ зўрайиб, иситмам кўтарилиб кетди. Хафагарчиликнинг кўнгилсиз оқибати мени касалхонага олиб келди. Охири, «Куним битиб қолганга ўхшайди», деган нохуш хаёлларга ҳам бордим. Бунинг қарангки, қизим Дилнозанинг «Тузалиб кетасиз ойижон», деган сўзларидан енгил тортсам бўладими!

Бу биринчи умидворлик. Иккинчи умидворликнинг туғилишига шифокорлар сабаб бўлишди. Касалликка қарши дори-дармонлар қилишди. Дарҳол тиббий кенгаш ўтказиб, операцияга ҳозирлик кўрилди. Фотиҳ Алижонов, Ирина Платонова, Баҳодиржон Назруллаевлар атрофимда парвона бўлиб, ширин сўзлари билан кўнглимни кўтаришди, дардни енгиб, омон қолишимга ишонч билдиришди.

Академик Ўктам Орипов бош бўлган бўлимнинг Санобар Акахўжаева, Мухтабар Абдусатторова, Наргиза Ғуломова, Лена Врублевская, Римма Нигматуллина, Муқаддас Носирхўжаева, Вера Николаева каби дилбар ҳамширалари, Назира Орипова, Ирина Прохорова, Ҳабиба Зуфарова, Мирҳаким Пўлатов, Зебинисо Рўзиматова каби олий тоифали тадбиркор шифокор ва олимлари беморлар дардининг малҳами десам, асло муболаға бўлмайди. Бу даргоҳда ёшлар тиришқоқлик билан илмий ишга дадил қўл урадилар. Улардан даво топаётганларнинг сон-саноғи йўқ.

Бир куни мени операция қилмоқчи бўлган шифокор олим Фотиҳ Алижонов шундай деб қолди: — Хайриятки, оғриғингиз тобора қоляпти, ҳарорат ҳам кучсизланаяпти. Энди операцияни бошласак ҳам бўлади. Операциядан кейин ҳам безовта қилишаверса, у ёғи нима бўлади? Операциядан эса қўрқманг, кўнглингиз тўқ бўлсин.

Шифохонанинг энг кичик ходимларидан энг катталаригача, менинг назаримда, ўз ишларини мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлашга қаратганга, халқимизнинг соғлом юриши учун курашга отланишганга ўхшарди. Улар оддий шифокорлар эмас, умид ва ишонч хадя этувчи, илҳомбахш, мўъжизакор одамлар эди, ғўё.

Бу мўъжизакорлар икки бор операция қилинганимда ҳамда ундан кейинги кунларда ҳам меҳрларини мендан аяшмади. Қил устидаги ҳаётим сақлаб қолинди. Уларнинг кеча-кундуз жон куйдиришлари туфайли тирик қолдим.

Ўйлаб қарасам, жонфидолик билан меҳнат қилган одам ҳамиша улуғ бўларкан, ҳамиша эл ардоғида экан. Ана шундай меҳр-муҳаббатли одамлар кўпаяверсин, уларнинг умри узун бўлсин.

**Шоҳида ҚОДИРОВА, олий тоифадаги математика ўқитувчиси. Тошкент шаҳри.**

• *Спорт • Спорт • Спорт • Спорт • Спорт • Спорт • Спорт • Спорт • Спорт • Спорт • Спорт • Спорт •*

## ҲАКАМЛАР ОГОҲЛАНТИРАДИ: МАЙДОНЛАРГА ФУТБОЛ МАДАНИЯТИНИ ОЛИБ КИРИШ ФУРСАТИ ЕТДИ

*Футбол мухлислари мамлакат чемпионатининг олтинчи тур учрашувларидан сўнг бу йилги мавсумда ҳам Фарғонанинг «Нефтчи» клубига тенг келадиган жамоа йўқлигига амин бўлишди.*

Қизиғи шундаки, пешқадам, яъни «Нефтчи»нинг рақиблари худди шоҳмотдаги швейцарча тартиб қоидасидан келиб чиққандек тур олдидан иккинчи ёки кучлилар сафида бораётган жамоа бўлишига қарамай, биринкетин мағлубиятга учраяпти. Жумладан, 4-тур олдидан «Нефтчи» биринчи, МҲСК иккинчи ўринни эгаллаб турган эди. Тўртинчи турда бу жамоалар ўзаро куч синашиб, унда фарғоналиклар ғалаба қозонишди. 6-тур олдидан ҳам худди шундай ҳолат юзага келди. Фарғоналиклар ўз майдонида иккинчи ўринни эгаллаб турган «Сўғдиёна» клубини қабул қилишди ва 5:1 ҳисобида ғалаба қозонишди. «Нефтчи»нинг асосий «қуроли» — стандарт ҳолатдан унумли фойдаланиш эвазига киритилган биринчи тўп муаллифи ҳимоячи Андрей Фёдоров бўлди. У мавсумдаги тўпларини 5 тага етказиб, тўпурарлар баҳсида пешқадамлик қилаётган Ойбек Усмонхўжаевга (МҲСК) тенглашиб олди.

Биз аввалги шарҳларимизнинг бирида ҳакамлар фаолияти ва футболчиларнинг ўйин кўрсатиш маданияти ҳақида тўхталиб, танқидий фикрлар билдирган эдик. Ўзбекистон футбол федерацияси тартиб-интизом қўмитасининг навбатдаги йиғилишида ҳам ана шу хусусда гап борди ва ҳакамларнинг фаоллигини ошириш, футболчиларнинг ҳакамлар ишига аралашиш каби ортиқча ҳаракатларига нисбатан муросасиз бўлиш ҳақида фикрлар билдирилди. Бунинг натижаси «Нефтчи» ва «Сўғдиёна» учрашувига ҳакамлик қилишган бригада аъзоларининг ҳаракатларида сезилиб турди. Гарчи, баъзи ҳолатларда ҳакамлар меъёрдан бироз ошган бўлса-да, (балки бизга шундай туюлгандир) ўйинчиларнинг ҳар бир ножўя ҳаракатларига нисбатан муросасиз бўлишди. Тўғри, бу учрашувда огоҳлантиришлар жуда кўп бўлди, лекин ҳакамларнинг бундай қатъияти, муросасизлиги вақт ўтиши билан майдонларга футбол маданиятини етаклаб кириши табиий.

Олтинчи турнинг марказий учрашувларидан яна бири Бухорода ўтказилди. Бу ерда шу пайтгача Ўзбекистон чемпионатларида ўзаро олти марта учрашиб, тенг натижага (2 талан ғалаба, 2 дуранг, 2 мағлубият, тўплар нисбати — 11:11 (эришишган «Нурафшон» ва «Темирйўлчи» жамоалари «орани очиқ» қилишди. Учрашувда «Нурафшон» 3:1 ҳисобида ғалаба қозонди.

Қолган учрашувларда қуйидаги натижалар қайд қилинди:

«Машъал» — «Политотдел» — 2:0, «Навбаҳор» — МҲСК 1:1, «Чирчиқ» — «Пахтакор» — 1:3, «Динамо» — «Наврўз» — 0:0, «Янгиер» — АСК — 3:0, «Атласчи» — Трактор» 1:0.

**Расул ЖУМАЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

**ТУРНИР ЖАДВАЛИ**

| | Ў | Ю | Д | М | Т-Н | О |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1. «Нефтчи» | 6 | 6 | 0 | 0 | 20:3 | 18 |
| 2. «Пахтакор» | 6 | 4 | 1 | 1 | 14:6 | 13 |
| 3. «Нурафшон» | 6 | 4 | 0 | 2 | 12:9 | 12 |
| 4. МҲСК | 6 | 3 | 2 | 1 | 10:4 | 11 |
| 5. «Сўғдиёна» | 6 | 3 | 1 | 2 | 12:8 | 10 |
| 6. «Трактор» | 6 | 3 | 0 | 3 | 5:6 | 9 |
| 7. «Атласчи» | 6 | 3 | 0 | 3 | 7:11 | 9 |
| 8. «Янгиер» | 6 | 2 | 2 | 2 | 8:6 | 8 |
| 9. «Наврўз» | 6 | 2 | 2 | 2 | 6:7 | 8 |
| 10. «Навбаҳор» | 6 | 2 | 2 | 2 | 5:6 | 8 |
| 11. «Маъшал» | 6 | 2 | 1 | 3 | 4:9 | 7 |
| 12. «Темирйўлчи» | 6 | 2 | 0 | 4 | 5:10 | 6 |
| 13. «Чирчиқ» | 6 | 1 | 2 | 3 | 5:9 | 5 |
| 14. «Динамо» | 6 | 1 | 2 | 3 | 2:10 | 5 |
| 15. АСК | 6 | 0 | 3 | 2 | 7:12 | 3 |
| 16. «Политотдел» | 6 | 0 | 2 | 4 | 6:12 | 2 |

## ОЛИМПИЯ ТЕРМА ЖАМОАЛАРИ УЧУН НОМЗОДЛАР КЎРИГИ

***Пойтахтимиздаги «Чилонзор» ўйингоҳида футбол бўйича ўсмирлар ўртасида халқаро турнир ўтказилаяпти. Унда Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва юртимиз ёш футболчилари ғолиблик учун кураш олиб боришяпти.***

Турнирнинг биринчи куни дастлаб майдонга Қирғизистон ва Тожикистон футболчилари чиқишди. Учрашувда ҳисоб очилмади. Турнирнинг очилиш маросимидан сўнг майдонда Қозоғистон ва юртимиз футболчилари ўзаро куч синашишди. Учрашувнинг биринчи бўлими деярли тенг кураш остида ўтган бўлса-да, қозоғистонлик футболчиларнинг бизнинг дарвоза олдида вужудга келтирган вазиятлари кескинроқ кечди. Шундай бўлишига қарамай ҳисобни жамоамиз ҳужумчиси Соли Курбонов («Темирйўлчи») очди. Орадан бир неча дақиқа ўтмай меҳмонлар ҳисобни тенглаштиришди.

Иккинчи бўлимда жамоамиз таркибида янги ўйинчиларнинг пайдо бўлиши ўйинда кескин бурилиш ясади. Айниқса, Муборакнинг «Машъал» клуби ўйинчиси Анвар Бердиев терма жамоамизнинг ҳужумларини кескинлаштирди. Аввалига Азиз Ҳошимов (11 метр жаримадан), сўнг Анвар Бердиев тўп киритиб, жамоамизнинг ғалабасини (3:1) таъминлашди.

Иккинчи куни мураббийларимиз бир қатор етакчи ўйинчиларга дам беришга қарор қилишди. Шундай бўлса-да, жамоамиз Тожикистон футболчиларини 3:1 ҳисобида мағлубиятга учратишди. Қирғизистон ва Қозоғистон жамоалари ўртасидаги учрашув дуранг (1:1) натижа билан тугади. Кеча жамоалар учинчи тур учрашувларини ўтказишди. Бугун биринчи ва иккинчи ўринни эгаллаган жамоалар мутлақ ғолиблик учун яна майдонга чиқишади. Қолган икки жамоа эса учинчи ўрин учун ўзаро баҳслашишади.

Турнир олимпия терма жамоалари учун қандай ўринбосарлар етишаётганини ўзига хос кўрикдан ўтказди. Ўйлаймизки, ушбу турнирда тўп сурган бир қатор истеъдодли футболчиларни ҳадемай Марказий Осиёнинг Олимпия терма жамоалари таркибида кўрамиз.

**Р. ЭРМУҲАММАД, «Халқ сўзи» мухбири.**

**Соғлом бўлишни ҳоҳлайсизми!!!**
***АСК "Барқарор"га мурожаат қилинг.***
*Бизнинг компаниямиз **Европа** системаси бўйича **тиббий суғуртани** амалга оширади. Биз давлатимиздаги ва хориждаги энг яхши клиникаларда даволанишингизни таъминлаймиз.*
**Тел.: 56-05-19.**
**Факс: (3712) 56-12-30.**

**"Оҳангароншифер"**
**Ҳиссадорлик жамияти уй-жой қураётганларга ёрдам тариқасида чекланган миқдорда нархи 45 сўмдан 35 сўмга арзонлаштирилган шифер сотади.**
**Манзилимиз:**
***Оҳангарон шаҳри,***
***телефонлар 5-78-92, 5-77-60, 5-74-40, 5-74-60.***

Ўзбекистон қишлоқ хўжалик фанлари академиясининг жамоаси шоличилик илмий текшириш институтининг директори, қишлоқ хўжалик фанлари номзоди **З. И. АБДУЖАББОРОВнинг** беваҚт вафоти муносабати билан оиласига ва қариндошларига чуқур таъзия билдиради.

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш инженерлари институти жамоаси «Тупроқшунослик ва деҳқончилик» кафедрасининг собиқ доценти **Бадриддин КАЛОНОВнинг** вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оиласига чуқур қайғу билан таъзия билдиради.

«Ўздавнефтмаҳсулот» ХБ жамоаси бирлашма ходими Гулчеҳра Набиевага отаси **Абдулмухтор НАБИЕВнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ИИВ раҳбарияти ва шахсий таркиби ички ишлар идоралари фахрийси, истеъфодаги милиция полковниги **Армаис Григорьевич ГУЛЬЯНЦнинг** вафоти муносабати билан унинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик изҳор қиладилар.

ХАЛҚ СЎЗИ • НАРОДНОЕ СЛОВО

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Анвар ЖЎРАБОЕВ.

БЎЛИМЛАР:
*Парламент 33-57-34;*
*Хатлар 33-07-48;*
*Қишлоқ хўжалиги 36-07-94;*
*Иқтисодиёт 36-36-65;*
*Маънавият 36-35-60;*
*Ахборот 36-29-89;*
*Тунги муҳарририят 33-10-28.*

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 19-уй.

Навбатчи муҳаррир — М. Холматова.
Навбатчи — Б. Остонақулов.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 0001 Буюртма Г. — 0208 51671 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2 Босишга топширилди — 20.10.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Босишга топшириш вақти—21.00 1 2 3 4 5 6